СССР ВА ГДР ЎРТАСИДАГИ БУЗИЛМАС ДЎСТЛИК ТИНЧЛИК ВА КОММУНИЗМГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46 йил чиқиши

№ 137 (12.791)

14 июнь 1964 йил

ЯКШАНБА

БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

СОВЕТ—ГЕРМАН ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

Кеча маълум қилинганидек, 12 июнда Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган Совет—Герман дўстлиги митинги бўлиб ўтди.

Митингни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев очди.

Сўнгра Москва электролампа заводининг слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Малинкин, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ленин мукофоти лауреати, СССР Олий Советининг депутати Б. В. Петровский, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг студенти Марина Ефимова нутқ сўзлайдилар.

Шундан сўнг митингда Н. С. Хрушчев ва Вальтер Ульбрихт ўртоқлар катта ва ёрқин нутқ сўзладилар *(Н. С. Хрушчев ва В. Ульбрихт ўртоқларнинг нутқлари газетамизда босилди).*

Митинг қатнашчилари гулдурос қарсаклар чалиб, ўртоқ Вальтер Ульбрихтни, Н. С. Хрушчевни, бошқа немис ва совет раҳбарларини табриклайдилар. Овация бошланиб кетади.

Н. Г. Егоричев митинг қатнашчилари номидан ўртоқ Вальтер Ульбрихтга совет халқи, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шаънига айтган жўшқин сўзлари учун чин кўнгилдан ташаккур айтди.

* * *

Кремлда ўтказилган Совет—Герман дўстлиги митинги Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси қардош халқларининг бир сафда туриб, социализм ва коммунизм қуриш йўлидан, Маркс ва Ленин чизиб берган, янги жамият қуришнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати ишлаб чиққан улуғ программасида кўрсатиб берилган буюк йўлдан боришга маҳкам бел боғлаганликларини яна бир марта намойиш қилди.

(ТАСС).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Азиз дўстимиз ўртоқ Вальтер Ульбрихт!

Азиз немис ўртоқлар, дўстлар!

Москвалик азиз ўртоқлар!

Дўстларимиз, ўртоқлари м и з Вальтер Ульбрихт ва Германия Демократик Республикасининг унга ҳамроҳ бўлиб келган раҳбар арбоблари Совет Иттифоқи бўйлаб қилган сафарларидан яқиндагина қайтиб келишди. Бугун биз Ватанимиз пойтахти Москвада улар билан яна учрашиб турибмиз.

КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва Совет ҳукумати номидан, миллион-миллион совет меҳнаткашлари номидан немис дўстларимизни чин юракдан табриклаётганлигим и м и з учун жуда хурсандман. Биз қардош социалистик Германия давлатининг атоқли партия ва давлат арбоби, совет халқининг самимий дўсти ўртоқ Вальтер Ульбрихтни табриклаймиз.

Германия Демократик Республикасининг ўртоқ Вальтер Ульбрихтга ҳамроҳ бўлиб келган атоқли сиёсий ва жамоат арбобларини — Апель, Миттаг, Мильке ўртоқларни табриклаётганлигимиз учун хурсандмиз. Демократик Германия Миллий фронтига кирган партияларнинг раҳбар арбоблари — Геттинг, Герлах, Риц, Больц ва бошқа ўртоқлар ўртоқ Ульбрихт билан бирга келишган. Биз бу ўртоқларни чин қалбдан табриклаймиз.

Қўшма ҳужжатларни имзоламоқ учун Москвага келган Штоф, Хонеккер, Дикман, Корренс, Хоман, Бальков ўртоқларни ҳам табриклаймиз.

Бизнинг меҳмонларимиз Уралда ва Сибирда — Свердловск, Новосибирск, Иркутск, Братск, Красноярск, Омск шаҳарларида бўлишди. Улар совет кишилари билан учрашиб, халқимизнинг қардошлик туйғуларини яна бир марта ҳис қила олдилар. Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг ўзларининг немис дўстларига бўлган муносабатларини ҳаммадан кўра яхшироқ очиб берадиган қизғин ҳайрихоҳликни пайқай олдилар.

Дўстларимизнинг мамлакатимиз тўғрисидаги, совет халқининг турмуши ва меҳнати тўғрисидаги фикрларига биз ҳамиша ҳурмат билан қараймиз. Урал ва Сибирнинг муваффақиятлари немис ўртоқларда катта таассурот қолдирганлигини ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг нутқларидан эшитиб хурсанд бўлдик. Дарҳақиқат, мана шу жуда катта ва бой районлар, Урал ва Сибирнинг ажойиб кишилари умуман мамлакатимизнинг ривожланишини кўп жиҳатдан белгилаб бермоқдалар, коммунизм қурилишига улкан ҳисса қўшмоқдалар. Москвада ҳам, Уралда ҳам, Сибирда ҳам — Совет мамлакатининг ҳар бир районида ривожланишимизнинг стрелкалари коммунизмга борадиган йўлни кўрсатиб турибди, деб ўртоқ Ульбрихт жуда яхши гапни айтди.

Германия Демократик Республикасида ҳам ривожланиш стрелкалари коммунизмга борадиган йўлни кўрсатиб турибдики, биз бунга хурсандмиз ва бу билан фахрланамиз.

Улуғ мақсаднинг мана шундай муштараклиги халқларимизни бирлаштириб турган бузилмас дўстликни туғдирмоқда. Бу дўстлик халқларимизга қимматга тушган. Мамлакатимиз халқлари билан немис халқи ўртасидаги муносабатлар турли тарзда вужудга келди. Улар ўртасида ҳамиша ҳам тинчлик ва дўстлик бўлаверган эмас. Фақат герман империализмининггина эмас, шу билан бирга жаҳон империализмининг ҳам зарбдор кучи бўлган гитлерчилар фашизми бошлаб берган иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли кунлари тугаганидан бери атиги йигирма йил вақт ўтди.

Лекин урушнинг ҳатто энг мудҳиш кунларида ҳам совет кишилари Гитлер Германиясидан, Пруссия юнкерларининг, милитаристлар ва ҳарбий монополияларнинг Германиясидан ташқари, бошқа бир Германия — ишчилар, деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция Германияси борлигини, жаҳонга буюк мутафаккирларни, фан ва маданият арбобларини жуда кўп немис революционерларини ва антифашистларни етиштириб берган Германия борлигини унутган эмаслар.

Ҳозир биз немис еридаги биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати бўлган Германия Демократик Республикасини табриклаш билан ана шу Германияни табрикламоқдамиз.

Германия Демократик Республикаси ташкил топганига шу йил кузда 15 йил тўлади. Шу йиллар ичида у, Марказий Европада тинчликнинг забардаст истеҳкомига, социализмнинг мустаҳкам қалъасига айланди. Сизларнинг республикангиз бутун немис халқи учун дадиллик билан бахтли истиқбол йўлини очиб бермоқда. Илмий коммунизм асосчиларининг ватанида социализм байроғини кўтаришдек буюк тарихий вазифа Германия Демократик Республикасидаги коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг зиммасига тушди.

Немис дўстларимизнинг янги турмуш қуришни бошлаши осон иш бўлмади. Фашизмнинг социал, сиёсий ва маънавий қолдиқларини тугатишга тўғри келди. Нацизм идеологиясининг заҳарли томирларини қўпориб ташлаш, одамларнинг қалбини ва миясини шу идеологиядан халос қилиш керак эди. Немис ишчилар синфининг шонли революцион традицияларини қайта тиклаш керак эди.

Уруш вайрон қилган хўжаликни тикламоқ учун жуда кўп куч ва ғайрат сарфланди. Иккита герман давлати тузилганлиги ҳамда табиий иқтисодий структура ва традицион иқтисодий алоқалар бузилганлиги сабабли пайдо бўлган қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Германия Демократик Республикасининг қийинчиликларини яна шу нарса ҳам кучайтириб юбордики, Ғарбий Берлин чегараси очиқ бўлганлигидан фойдаланган империалистик давлатларнинг кенг миқёсдаги қўпорувчилик ишлари ва маккорона найранглари натижасида Германия Демократик Республикаси 1961 йилнинг август ойига қадар катта иқтисодий ва сиёсий зарар кўриб келди.

Бошқа мураккаб проблемалар ҳам оз эмас эди. Мана шуларнинг ҳаммасини назарда тутганда немис дўстларимизнинг ютуқлари айниқса катта бўлиб кўринади. Бу ютуқлар марксизм-ленинизмнинг буюк ҳаётий кучини қайта ва қайта таъкидламоқда. 1961 йилнинг августида ҳукумат Ғарбий Германия ва Ғарбий Берлин билан бўлган ўзининг давлат чегарасини мустаҳкам муҳофаза қилиб олганидан кейин Германия Демократик Республикасининг социалистик қурилишдаги муваффақиятлари айниқса яққол намоён бўлди. Бу тадбир натижасида империалистларнинг Германия Демократик Республикасига қарши иқтисодий ва сиёсий диверсия қилишларига имкон бериб келган йўллар ёпиб қўйилди.

Германия Демократик Республикасининг катта меҳнат муваффақиятларини шу факт кўрсатиб турибдики, 1963 йилда республикада меҳнат унумдорлиги умуман бутун халқ хўжалигида 6,5 процент ошди. Ўн уч йил ичида, 1950 йилдан 1963 йилга қадар Германия Демократик Республикасида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиши 347 процентни, Ғарбий Германияда эса 287 процентни ташкил қилди. Германия Демократик Республикасида қишлоқ хўжалигини кооперативлаштиришдан иборат жуда мураккаб вазифа муваффақиятли ҳал қилинди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш таъминланди.

Уртоқ Вальтер Ульбрихт айтган гапга қараганда, Германия Демократик Республикасининг территорияси 1936 йилдаги Германия территориясининг гарчи тўртдан бир қисмига тенг келса ҳам, бу йил Германия Демократик Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми бутун Германияда 1936 йилдаги саноат ишлаб чиқариши даражасига етиб олади. Бу жуда катта муваффақиятлардир ва биз бу билан немис дўстларимизни қутлаймиз.

Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари эришган жуда катта муваффақиятлар, аввало, ишчилар синфи олиб бораётган фидокорона курашнинг натижасидир, меҳнаткашларнинг революцион авангарди — Германия Бирлашган социалистик партияси, унинг ўртоқ Вальтер Ульбрихт бошчилигидаги Марказий Комитетининг катта ижодий фаолияти натижасидир.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг тарихий хизмати шундаки, у, Демократик Германия Миллий фронтининг қудратли ҳаракатида бирлашган барча тинчликсевар, ватанпарвар кучларни — немис халқининг мана шу кучларини тинчлик ва социализм учун, Германия масаласини тинч демократик йўл билан ҳал қилиш учун кураш байроғи остида жипслаштира олди.

Германия Бирлашган социалистик партияси — халқаро коммунистик ҳаракатнинг илғор отрядларидан бири. У социалистик қурилиш назариясини ва практикасини ривожлантиришга, жаҳон социалистик ҳамдўстлиги мамлакатларининг, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Немис дўстларимиз билан бирга биз шуни айтишимиз мумкинки, идеологиянинг, ҳозирги халқаро сиёсатнинг ҳамда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг барча асосий масалаларига қарашда партияларимиз ўртасида — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Германия Бирлашган социалистик партияси ўртасида — тўла бирлик мавжуддир. Совет Иттифоқининг ва Германия Демократик Республикасининг коммунистлари, халқлари марксизм-ленинизм принципларига асосланган бу бирлик билан фахрланадилар.

Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда ва ҳар томонлама ҳамкорлик бўлиб қолмоқда. Саноатни ривожлантириш, илмий-техника тараққиёти соҳаларидаги куч ва ғайратларимизни уйғунлаштирмоқдамиз, қишлоқ хўжалигини юритишдаги тажрибаларни ўртоқлашмоқдамиз. Илмий-техникавий ва маданий алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. Ҳамкорлигимизнинг самарали эканлигини кўрсатувчи кўпгина маълумотларни айтиб бериш мумкин бўлур эди. Мисол учун мамлакатларимиз ўртасида товар обороти ўсиб бораётганлигини олиб кўрайлик. Савдо-сотиқ ҳажми 1950 йилдан 1963 йилга қадар етти баравардан зиёдроқ кўпайди. Унинг ҳажми Америка Қўшма Штатлари билан Ғарбий Германия ўртасидаги товар обороти ҳажмидан ошиб кетди.

Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Ҳар иккала партиямиз шунга асосланиб иш олиб бормоқдаларки, социализм қурилишида, аввало, ҳар қайси мамлакатнинг ўз кучи ва ресурсларидан фойдаланиш керак. Лекин бундай қилиш жуда кенг, ҳар томонлама ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришимизга халақит бермайди. Бундай ҳамкорлик мамлакатларимиздан ҳар бирининг кучини ва имкониятини анча оширади, мамлакатларимизда социализм ва коммунизм қурилиши тезроқ ва муваффақиятлироқ боради.

Ўртоқлар!

Кейинги вақтлардаги воқеалар шуни яққол кўрсатиб турибдики, Германия Демократик Республикаси Европада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг тобора муҳимроқ фактори бўлиб қолмоқда, Ғарбий Германия милитаристларининг ва реваншчиларининг хатарли планларига қарши курашда барча тинчликсевар немисларнинг таянчи бўлиб қолмоқда. Бугун тўла асос билан шуни айтиш мумкинки, Германия масаласини тинч йўл билан бартараф қилиш масалаларигина эмас, шу билан бирга Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашга тааллуқли бошқа проблемаларни ҳам Германия Демократик Республикасининг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Энг ашаддий империалистик доиралар немис ишчи ва деҳқонларининг ёш давлатини бамисоли никоҳсиз онадан туғилган бола деб ҳисобламоқдалар. Лекин турмушда кўпинча бўлиб турганидек, бола гарчи эски расм-русм билан номланмаган бўлса ҳам, у ўсиб, бақувват бўлиб қолди ва энди унинг ўзини ҳимоя қила оладиган кучли мускуллари бор.

Ҳеч қандай «Хальштейн доктриналари» ҳам, реваншчи кучларнинг ҳеч қандай фирибгарликлари ҳам муқаррар рўй берадиган ҳодисанинг олдини ололмайди. Немис социалистик давлатининг халқаро позициялари бундан буён ҳам мустаҳкамлана беради, унинг истиқболи порлоқ.

Немис халқининг социализм йўлидан ривожланишига тўғоноқ бўлмоқ учун жаҳон реакцияси Германия Демократик Республикасини яккалаб қўйишга интилмоқда. Шу мақсадда у, Ғарбий Германиядаги милитаристларни ва реваншчиларни қўллаб-қувватламоқда, Европадаги социализм мамлакатларига қарши курашда Германия Федератив Республикасидан зарбдор куч тариқасида фойдаланишга интилмоқда.

Ғарбий Германиядаги ҳукмрон доираларнинг сиёсати ҳозирги кунда Европада энг агрессив ва авантюристик сиёсат эканлигини фактлар кўрсатиб турибди. Ғарбий Германия раҳбар арбобларининг айтган гапларини дабдабали сўзлардан тозалаб қарасак, Бонн планларининг ошкора реваншчилик моҳияти, бу планлар ялпи тинчлик иши учун ва кўпгина халқларнинг, биринчи галда немис халқининг тақдири учун ғоят хатарли эканлиги яққол кўриниб қолади.

Эндиликда Ғарбий Германия реваншчиларининг бутун фикр-зикри ядро қуролини ўз қўлига олишдан иборат бўлиб қолди. Улар НАТОнинг кўп томонлама ядро кучларида иштирок қилмоқ, яъни ракета-ядро аппаратларининг кнопкаларига қўл узатмоқ учун ҳамма нарсани қилишга тайёрдирлар.

НАТОнинг кўп томонлама кучлари ниқоби остида Ғарбий Германияни ядро қуролига яқинлаштириш ҳеч бир нарсани ўзгартирмайди, чунки ядро қуролини контроль қилиш ҳуқуқи америкаликларнинг ўзида қола беради, деб бизни ишонтиришга уринмоқдалар. Ғарбий Германия ўзининг ядро қуролини вужудга келтиришга йўл қўймаслик учун ракета-ядро қуролига биргаликда хўжайинлик қиладиган ва ундан биргаликда фойдаланадиган қандайдир акцияли жамият тузиш яхшироқ, деган гапларни айтмоқдалар. Лекин бу гапларга ким ишонади? Модомики, Ғарб давлатлари Бонн милитаристларини ва реваншчиларини ҳозир ўз сўзларига кирита олмаётган эканлар, улар бундесвер ядро потенциалига эга бўлиб қолганидан кейин уни қандай қилиб эплаштирмоқчилар? Милитаристлар куч тўплаб олганларидан кейин юввошроқ бўлиб қолганликларини кўрсатувчи факт тарихда ҳеч қачон рўй берган эмас. Бундесвер ракета-ядро қуролига эга бўлиб қолса, бу нарса халқаро вазиятни жуда ҳам кескинлаштириб юборган бўлур эди, янги жаҳон урушининг бошланиб кетиш хавфини кўпайтириб юборган бўлур эди.

Совет Иттифоқи Германия Федератив Республикасининг давлат бўлиб яшашига қарши чиқаётгани йўқ, лекин биз Бонн ҳукуматининг хатарли реваншчилик сиёсатига индамай қарай олмаймиз. Мақсадларимиз ва манфаатларимиз муштарак бўлган Германия Демократик Республикасига ҳамиша ҳайрихоҳлик назари билан қараймиз, албатта. Бироқ, Федератив Республикага ҳам тинчликни таъминлаш соҳасида биз билан дўст бўлишни ва ҳамкорлик қилишни таклиф этмоқдамиз, чунки бу тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига, ҳар иккала давлатимизнинг манфаатларига мос тушган бўлур эди.

Федератив Республикада яшаб турган немисларнинг ҳаммасини реваншчилар деб ҳисоблаш мутлақо нотўғри бўлур эди, албатта. Ғарбий Германиядаги меҳнаткаш аҳолининг катта кўпчилиги ҳамма халқлар билан дўст бўлиб тинчликда яшашни истайди, биз буни биламиз. Бонннинг реваншчилик сиёсати ўт билан ўйнашиш эканлигини тушунаётган кишилар ҳатто Ғарбий Германия буржуазияси орасида ҳам оз эмас. Ғарбий Германиядаги барча ақлирасо кишиларнинг давлатларимиз ўртасида муносабатларни яхшилаш, тинч ҳамкорликни ривожлантириш йўлида куч ва ғайрат сарфлаётганликларини табриклаймиз.

Агар Совет Иттифоқи олдин баъзи шартларни бажарса, масалан, Ғарбий Германиянинг Германия Демократик Республикасини ютиб юбориш ниятига индамаса, Польша, Чехословакия ва бошқа баъзи давлатлар билан бўлган чегараларни «тўғрилаб» олишига индамаса, шу шарт билангина ҳукмрон доиралар Совет Иттифоқи билан муносабатларни нормаллаштириш принцип эътибори билан қаршилик қилмайди, деган гапларни Боннда гоҳ-гоҳ айтиб қўймоқдалар. Бу бемаъни авантюристик планлардир.

Шундай хулоса чиқаришга тўғри келадики, Бонн кўп йиллардан бери ўтказиб келаётган кўрлик сиёсати, афсуски, давом этмоқда. Бонн кескинликни юмшатиш зарурлигини сўзда эътироф қилади-ю, лекин шу ондаёқ у, гўё тинчлик манфаатларини реваншчилик планлари билан қўшиб олиб бориш мумкин бўладиган иш деб ҳисоблаб, реваншизм идеяларини тарғиб қила беради.

Бизнинг олдимизга қандайдир шартлар қўйишга уринаётган Ғарбий Германиянинг раҳбарларида ҳеч қандай реализм йўқлигига таажжубланиш мумкин, холос. Сиз, жаноблар, шуни унутмангларки, Совет Иттифоқи Федератив Республикадан ҳеч бир қарздор эмас. Герман империализмининг ўзи Совет Иттифоқи халқларига, бутун Европа халқларига жуда катта зарар етказган.

Германия Демократик Республикасини ютиб юбориш ниятларига келганда, битта оддий ҳақиқатни тушуниб олиш пайти келди. Бу ҳақиқат шундан иборатки, Германия Демократик Республикаси эркин, суверен давлатдир. У яшаб турибди, куч йиғиб улғаймоқда, Ғарбий Германия раҳбарлари ўзлари учун гарчи кўнгилсиз бўлса ҳам, аммо жуда реал кўриниб турган бу факт билан ҳисоблашмай иложлари йўқ. Ҳатто «зўравонлик позициясига таяниш» сиёсатининг ашаддий тарафдори бўлган Аденауэрнинг ўзи ҳам Германия масаласини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини эътироф қилди. Бонн милитаристлари ва реваншчилари шуни билиб қўйсинларки, Германия Демократик Республикаси якка-ёлғиз эмас. Совет Иттифоқи, бутун қудратли социалистик лагерь у билан бирга.

Совет Иттифоқи ҳеч кимга ҳужум қилиш ниятида эмас, биз тинч меҳнат қилишни истаймиз. Авантюристик сўқмоқлар қидиришнинг бизга кераги йўқ. Турмушда истиқболни кўрмаётганларгина ўзини отиб, сувга ташлаб, осиб ўлдиришга интилади ёки жаҳон урушини бошлашни истайди — ҳозирги вақтда эса буларнинг ҳаммаси ҳам бир нарса. Биз реалистлармиз, соғлом ақл-идрок кишиларимиз, ўз кучимизга, ўзимизнинг имкониятларимизга ишонамиз. коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш тўғрисида партиямизнинг XXII съезди чиқарган қарорлар ва КПСС Программаси албатта бажарилишига ниҳоят даражада аминмиз!

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК, ЎЗАРО ЁРДАМ ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси ўртасида ҳар иккала мамлакат ва бутун социалистик ҳамдўстлик халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётган қардошларча дўстликни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истагига амал қилиб,

ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатларни белгилаб бераётган сиёсатнинг негизи бўлган ҳамда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида 1955 йил 20 сентябрдаги Шартнома тузилганидан кейин тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланиб, самимийлик характерини касб қилган қардошларча ва ҳар томонлама ҳамкорликка асосланиб,

Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига кўмаклашишга ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатини оғишмай амалга оширишга қаратилган қатъий ниятни ифодалаб,

дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 майда тузилган Варшава шартномасига таяниб, иккинчи жаҳон уруши якунларини ревизия қилишга интилаётган реваншчи ва милитарист кучлар томонидан халқаро хавфсизликка ва тинчликка нисбатан бўлаётган таҳдидга самарали қаршилик кўрсатмоқ ҳамда иккала давлатнинг территориал бутунлигини ва суверенитетини ҳар қандай ҳужумдан ҳимоя қилмоқ учун ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштиришга маҳкам бел боғлаб,

Германия тарихида биринчи бўлган ва Потсдам битимининг принципларини амалга оширган ишчи ва деҳқонлар давлати — Германия Демократик Республикаси тинчлик йўлидан бормоқда ҳамда Европада хавфсизликни таъминлашнинг ва уруш хавфини даф қилишнинг муҳим фактори бўлиб турибди, деган фикрда якдил бўлиб,

Германия сулҳ шартномасини тузишни енгиллаштиришга ҳамда тинчликсеварлик ва демократик негизларда Германиянинг бирлигини амалга оширишга кўмаклашишга интилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсадларига ва принципларига амал қилиб,

қуйидагилар ҳақида аҳдлашдилар:

М о д д а 1

Олий Аҳдлашувчи томонлар тўла тенг ҳуқуқлилик, давлат суверенитетини ўзаро ҳурматлашга, ички ишларга аралашмаслик ва социалистик интернационализмнинг юксак принципларига асосланиб, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро қардошларча ёрдамлашиш принципларини амалга ошира бориб, ҳамма соҳаларда дўстлик ва яқиндан ҳамкорлик қилишни бундан буён ҳам ривожлантира берадилар ва мустаҳкамлай берадилар.

М о д д а 2

Халқларнинг, шу жумладан немис халқининг тинч истиқболи ва тинчлик манфаатларини кўзлаб, Олий Аҳдлашувчи томонлар иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатишга, Германия сулҳ шартномасини тузишга ва шу шартнома асосида Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштиришга оғишмай ҳаракат қила берадилар.

Томонлар шунга асосланадиларки, герман милитаризмини ва нацизмини таг-томири билан йўқотишга ва герман агрессиясининг олдини олишга қаратилган Потсдам битими ва бошқа халқаро битимлар бўйича тўрт давлат ҳукуматларининг биргаликда қабул қилган талаблари ва мажбуриятларини Германия Федератив Республикаси территориясида амалга ошириш учун Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ўз зиммаларидаги масъулиятни адо этишни Германия сулҳ шартномаси тузилгунча давом эттира берадилар.

М о д д а 3

Олий Аҳдлашувчи томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсадларига ва принципларига мувофиқ Европада ва бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштирадилар. Улар ёппасига ва батамом қуролсизланиш, шу жумладан қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган қисмий чоралар кўриш, мустамлакачиликни тугатиш, давлатлар ўртасидаги территория ва чегара низоларини тинч воситалар билан бартараф қилиш ва шулар каби туб халқаро проблемаларни тинч-тотув яшаш принциплари асосида ҳал этишга кўмаклашмоқ учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўражаклар.

М о д д а 4

Милитарист ва реваншчи кучлар томонидан агрессив уруш қилиш хавфи мавжудлигини назарда тутиб, Олий Аҳдлашувчи томонлар тантанали равишда шуни айтадиларки, Германия Демократик Республикаси давлат чегараларининг дахлсизлиги Европа хавфсизлигининг асосий факторларидан биридир. Улар Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномасига мувофиқ, шу чегараларнинг дахлсизлигини биргаликда таъминлашга ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини таъкидлайдилар.

Шунингдек, Олий Аҳдлашувчи томонлар иккинчи жаҳон урушининг якунларини ревизия қилишга уринаётган милитаризм ва реваншизм кучларининг агрессия қилишига йўл қўймаслик учун барча зарур чораларни кўриб қўлдилар.

М о д д а 5

Олий Аҳдлашувчи томонларнинг бири Европада бирор давлатнинг ёки давлатлар группасининг қуролли ҳужумига учраган тақдирда, иккинчи Олий Аҳдлашувчи томон унга Варшава шартномасининг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги қоидаларига мувофиқ, дарҳол ёрдам кўрсатади.

Кўрилган чоралар тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг қоидаларига мувофиқ, Хавфсизлик Кенгашига хабар қилинади. Халқаро тинчликни ва хавфсизликни тикламоқ ва сақлаб турмоқ учун Хавфсизлик Кенгаши зарур чораларни кўриши биланоқ, бу чоралар тўхтатилади.

М о д д а 6

Олий Аҳдлашувчи томонлар Ғарбий Берлинни сиёсий жиҳатдан мустақил территория деб ҳисоблайдилар.

М о д д а 7

Олий Аҳдлашувчи томонлар иккита суверен герман давлати — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси мавжуд бўлиб турган вазиятда тинчликсевар, демократик, ягона Германия давлатини вужудга келтиришга фақат ҳар иккала суверен герман давлатлари ўртасида тенг ҳуқуқли музокаралар олиб бориш ва келишиш йўли билангина эришмоқ мумкин, деган ўзларининг нуқтаи назарларини таъкидлайдилар.

М о д д а 8

Олий Аҳдлашувчи томонлар ўзаро манфаатдорлик ва беғараз қардошларча ҳамкорлик негизида, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг принципларига мувофиқ, ҳар иккала давлат ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий муносабатларни бутун чоралар билан ривожлантира берадилар ва мустаҳкамлай берадилар, халқаро социалистик меҳнат тақсимоти принципларига мувофиқ, халқ хўжалик планларини координациялашни, ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни амалга ошира берадилар ҳамда ҳар иккала давлатнинг миллий экономикасини яқинлаштириш ва уйғунлаштириш йўли билан энг юқори меҳнат унумдорлигини таъминлай берадилар.

Томонлар маданий, ижтимоий ва спорт соҳаларида, шунингдек туризм соҳасида ўз муносабатларини ҳам янада ривожлантира берадилар.

М о д д а 9

Ушбу Шартнома томонларнинг амалдаги икки томонлама ва бошқа халқаро битимлардан, шу жумладан Потсдам битимидан келиб чиқадиган ҳуқуқларига ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

М о д д а 10

Ушбу Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 20 йил давомида амалда бўлади. Олий Аҳдлашувчи томонлардан бири Шартноманинг амал қилиш муддати тугамасдан 12 ой олдин бу Шартномадан ўзининг воз кечганлигини айтмаса, Шартнома ундан кейинги 10 йил муддат ичида ўз кучини сақлаб қола беради.

Ягона, демократик ва тинчликсевар герман давлати вужудга келтирилган ёки Германия сулҳ шартномаси тузилган тақдирда Олий Аҳдлашувчи томонлардан исталган бирининг истагига мувофиқ, ушбу Шартнома 20 йиллик муддат тамом бўлмасдан туриб қайта кўриб чиқилиши мумкин.

М о д д а 11

Ушбу Шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари айирбошланган пайтдан бошлаб кучга киради, ратификация ёрлиқлари яқин фурсатда Берлинда айирбошланади.

Москвада 1964 йил 12 июнда ҳар бири рус ва немис тилларида икки нусхада тузилди, ҳар иккала текст баб-баравар кучга эга.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ НОМИДАН
Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. С. ХРУШЧЕВ.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси В. УЛЬБРИХТ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

СССР олтинчи чақириқ Олий Советининг тўртинчи сессияси 1964 йил 13 июлда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль 1964 йил 13 июнь.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда)

Биз ҳеч кимнинг сўзига учмаймиз, ленинча тўғри позициядан бизни ҳеч ким тойдира олмайди. Баъзи кимсалар совет коммунистлари социализм икки йўл билан: ёки қуролли қўзғолон йўли билан, ёки тинч йўл билан ғалаба қилиши мумкинлигини эътироф қилиб, империализмга қарши етарли равишда революцион тарзда курашмаётирлар, деб даъво қилмоқдалар ва бу билан бизни революционерлар эмас, деб жиғимизга тегмоқчилар. Бизни танқид қилаётганлар эса фақат қўзғолон йўли билан бориш керак, демоқдалар. Бундай кишилар бизни етарли равишда революционер эмас, деб даъво қилиб, бизни авантюризм йўлига судрамоқчи бўлаётирлар.

Ҳозирги вақтда қайси капиталистик мамлакат, қайси мамлакатнинг ишчилар синфи, қайси партия революцион қўзғолон кўтаришни истамоқда? Мамлакатлардан бирортасининг ишчилар синфи бундай курашга кўтарилса, биз буни табриклаймиз ва биз: бу қўзғолон ғалабангиз билан тамомланишига амин бўлсангиз, шу йўлдан бораверинглар, деб айтамиз.

Лекин, ўртоқлар, ҳар бир мамлакатнинг ишчилар синфи, меҳнаткаш халқи бошқа бир мамлакатдан фотиҳа олмай, революция қила беради. Революциянинг кўтарилиши қўзғолон учун, ишчилар синфининг, халқнинг ҳокимиятни қўлга олиши учун, революцион ғалабаларни қўлга киритиш учун кучлар етилган пайтда мамлакатда вужудга келган конкрет вазиятга боғлиқ бўлади.

Бу нарса равшан бўлиши керак эди ва бунда бахслашиш учун ўрин йўқ.

Лекин бизни танқид қилувчилар бунинг бутунлай тескарисини айтмоқдалар. Хўш, фақат битта йўл бор, деб ҳозир вайсай берсак, бу билан бирор мамлакат ана шу эзгу мақсадга: ишчилар синфининг ғалабасига заррача яқинлашиб қоладими, ахир?! Бундай мақсадга яқинлашиш, айтиш мумкинки, тилнинг узунлигига ва оғизда кўп айлана беришига боғлиқ эмас.

Революциянинг ривожланиши ҳар бир мамлакатдаги ички факторларга боғлиқ. Буни В. И. Ленин яхши кўрсатиб берган. Ленин буюк революцион стратег эди, у кучларнинг нисбатини реал равишда ҳисобга олиб, июль ойида гапириб, кўчага чиқиш керак эмас, қўзғолон бошлаш учун шароит етилгани йўқ, деган эди. Лекин халқ ғазаби ўзига йўл қидираётганлиги сабабли ишчилар ва солдатлар кўчага чиқишди. Бунинг оқибати нима билан тугаганлигини ўзларингиз биласиз. Бунинг оқибати шу бўлдики, ишчилар ва солдатларнинг чиқиши бостирилди. В. И. Ленин подпольега ўтиши, контрреволюциянинг таъқиботларидан яшириниши лозим бўлиб қолди. Октябрь кунларида эса Ленин Петроградга яна қайтиб келди. Ленин 24 октябрь кечқурун Марказий Комитетга юборган хатида аҳвол ниҳоят даражада танг бўлиб қолди, сусткашлик қилиш ярамайди, ишни бугун албатта кечқурун ёки кечаси ҳал қилиш керак, деб ёзди. Хўш, ўша вақтда В. И. Ленин қўзғолонни қачон бошлаш ва уни қандай усулда ташкил этиш кераклигини бошқа бир мамлакатдан биров айтиб беради, деб кутиб ўтирганмиди?

Бошқа компартияларга ўз мамлакатлари халқларини қачон революцияга кўтариш тўғрисида тавсиялар бериш нотўғри, бемаънилик бўлур эди. Бундай масалаларни ҳал қилиш фақат ҳар бир мамлакатдаги коммунистик ва ишчи марксчи-ленинчи партияларнинг ва халқларнинг ўз ишидир. Бироқ бунинг устига бўлмаган нарсани реал мавжуд нарса деб тасаввур қилмаслик учун вужудга келган вазиятни яхшироқ тушуниб олиш ҳам халақит бермайди.

Бизни авантюралар йўлига судрашга уринаётганларга айтмоқчи бўлган гапим — мана шу. Йўқ, бундай бўлмайди!

Бизларни танқид қилаётган кишилар: Совет Иттифоқи Коммунистик партияси таклиф қилаётган нарса ревизионизмдир, дейишяпти. Улар тинч мусобақани рад қилмоқдалар, тинч иқтисодий қурилишдаги муваффақиятлар асосида социалистик мамлакат капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг революцион ҳаракатини руҳлантирувчи ўрнак бўлиши лозимлигини рад қилмоқдалар.

Ҳа, биз тинч мусобақанинг, тинч қурилишнинг аҳамияти ҳақида гапирмоқдамиз. Ўз намунамиз билан, ўзимизнинг хўжалик қурилишимиз билан ишчилар синфининг революцион ҳаракатига борган сари кўпроқ таъсир ўтказа берамиз, деган гапни В. И. Ленин айтган эди.

Агар, ўртоқлар, сиз билан биз экономикани ривожлантиришни орқага сура берсак, секинлаштира берсак, қаҳратон совуқда ҳам калта иштон кийиб юра берсак, бу билан руҳлантирувчи ўрнак кўрсатишимиз маҳол бўлиб қолади. Бизнинг мамлакатимиз узун шим ва иссиқ кийим кийиб бўлмайдиган Африка эмас. Бизнинг мамлакатимизда ҳам қишда калта иштон кийиб кўчага чиқиш мумкин, чиқишга чиқасан-у, аммо ўзингни қаёққа уришингни билмай қоласан.

Агар биз социалистик тузумимизнинг афзалликларини, мамлакат экономикасини тез кўтаришдаги, моддий ва маданий неъматларни оғишмай ўстиришдаги афзалликларни амалда исбот қилмасак, агар совет кишилари революциядан олдинги вақтдагига қараганда яхшироқ яшамасалар, у ҳолда кўп кишилар: буни қаранглар, коммунистлар социализм қуришяпти, бунақа социализмнинг бизга нима кераги бор? — дейишади. Ана, руслар социализмда яшаяпмиз, деяптилар-у, аммо ўзлари яланг бўлиб юришибди. Хўш, сизлар улардан ўрнак олмоқчимисиз? Капитализм шароитида ҳам бизнинг битта эмас, бир неча шимимиз, яна бунинг устига камзулимиз ҳам бор-ку, дейишади бошқалар.

Ҳар бир кишига шу нарса равшанки, мамлакатимизда экономика нақадар юқори ривожланган бўлса, халқнинг турмуш даражасини кўтармоқ учун маданиятни, фанни, санъатни ривожлантирмоқ учун давлат шу қадар кўп имконият олади, бизнинг жамиятимиз шу қадар кўп жозибадор бўлиб қолади. Бу ўрнак бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашларини совет халқи ўзининг ленинчи Коммунистик партияси раҳбарлигида эришгани сингари муваффақиятларга эришмоқ учун курашга чақира беради.

Бизни танқид этаётганлар тарихий фактларни рўкач қилиб, Россияда социалистик революция биринчи жаҳон урушидан кейин ғалаба қилди, Европа ва Осиёнинг бошқа бир қанча мамлакатларида ҳам социалистик революциялар иккинчи жаҳон урушидан кейин бўлди, деган гапларни айтмоқдалар. Бундан хулоса чиқариб: бошқа мамлакатларда социалистик революциянинг ғалаба қилмоғи учун ҳозир ишчилар синфи янги жаҳон урушини бошлаб юбориши керак, демоқдалар.

Ўртоқлар, бундай назариячиларни кўрганингда уларнинг устидан кимга арз қилишни билмай қоласан. Бундай кишига психиатор врачга мурожаат қилинг, деб маслаҳат бериш энг инсофли иш бўлади, деб ўйлайман.

Коммунистик партиялар, ишчи партиялари озодлик урушларини бошлашга қарши курашмасдан, балки империалистик урушларни бошлашга қарши ҳамиша курашиб келдилар, империалистик урушларга қарши курашдилар. Модомики, империалистик урушлар бошланиб кетган экан, бунинг сабаби шуки, ишчилар синфи ўша вақтда кучсиз эди, монополистик капиталнинг империалистик урушни бошлаб юборган кучларини енгишга ўша вақтда қодир бўлмади.

Фақат большевикларгина эмас, шу билан бирга барча прогрессив кишилар ҳам империалистик урушга қарши нақадар зўр бериб курашганликларини эслаб кўринг. Францияда Жан Жорес имкони борича курашди, курашни давом эттира берди ва ниҳоят уни ўлдиришди. Империалистик урушнинг бошланишига қарши В. И. Ленин, бизнинг партиямиз зўр бериб курашдилар. Давлат думасининг депутатлари бўлган большевиклар урушга қарши, урушга кредитлар ажратилишига қарши овоз бердилар. Бадаев, Петровский ва бошқа ўртоқлар ўзлари олиб борган кураш учун каторгага бадарға қилиндилар.

Бироқ, ўша вақтда уруш бўлиши ёки бўлмаслигини биз, большевиклар белгилаб берган эмасмиз. Янги жаҳон уруши бўлиши ёки бўлмаслигини белгилаш ёхуд бунга таъсир қилиш учун имкониятимиз бўлган ҳозирги вақтда жаҳон уруши бўлмаслиги учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмасак, нотўғри иш қилинган бўлур эди.

Термоядро уруши вайроналари устида инсоният тағин ҳам гўзалроқ жамият қуриб олади, деган шиорни биз тушунмаймиз. Термоядро урушидан кейин ер юзида нималар қолишини ҳозир жуда муайян қилиб айта оладиган лоақал битта ақлли ёки ақлсиз киши бормикин? Термоядро урушининг даҳшатларини кўрсатиб қўрқитаётганим йўқ, чунки қўрқитиш аҳмоқлик бўлур эди, лекин ҳозирги замондаги термоядро қуролининг вайрон қилувчи кучини мен реал тасаввур қиламан.

Япониядаги Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташланган атом бомбалари қандай оқибатлар келтирганлигини инсоният билади. Лекин улар ядро қуролининг кичкина нусхаси эди, холос. Бунақа бомбалар ҳозир ўйинчоқ бомбаси ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам, ўша бомбаларнинг қандай оқибатлар келтирганлигини эслаб кўринг! Башарти юз мегатонналик бомба портлатиладиган бўлса, шу бомба портлаган мамлакатнинг одамлари қандай ҳолга тушишини ким билади? Америкаликлар Япония устига иккита бомба ташлаган эдилар. Аммо ҳозир қанча ядро бомбаси тўплаб қўйилибди? Америкаликлар, биз тўплаб қўйган бомбалар ҳар бир русни уч марта ўлдиришга кифоя қилади, дейишяпти. Улар «руслар» деган сўзни айтганларида Совет Иттифоқидаги одамларнинг ҳаммасини назарда тутмоқдалар. Бироқ улар бу гапни айтиш билан ўзларининг ақл-идрокларини йўқотаётганлари йўқ. Улар, русларнинг ҳам ядро бомбалари кўп, бу бомбалар ҳам америкаликларни ўлдириши мумкин, лекин фақат бир марта ўлдиради, деб эътироф қилмоқдалар. Очиғини айтганда, бундан ошиғининг кераги ҳам йўқ.

Бизда эски бир мақол бор: бошини йўқотган одам сочидан ажраганига йиғламайди, дейишади. Модомики, киши бир марта ўлдирилган экан, агар уни ҳатто яна уч ёки беш марта ўлдирилса ҳам бунинг заррача аҳамияти бўлмайди. Бироқ, яхшики, бизнинг муҳолифларимиз агар ўзлари уруш бошласалар, уларни бир марта ўлдириш учун имкониятимиз борлигини эътироф қилаётирлар. Гапнинг лўндаси, шунинг ўзи ҳам кифоя қилади.

Биз ўзимиз урушни бошламаймиз. Биз ҳеч кимни ўлдиришни истамаймиз. Совет кишилари ҳамма халқлар билан тинчликда яшашни ва ҳамма мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни истайдилар. Ҳозир ҳам шундай қилмоқдамиз. У ёки бу мамлакат жамияти ичидаги социал-сиёсий низоларни ҳал қилишга фақат шу мамлакат халқининг ўзи ҳақли.

Француз меҳнаткашлари, коммунистлари енгиб чиқсинлар деб, уларнинг мамлакатида социалистик революция бўлсин, деб биз Францияга уруш эълон қила олмаймиз-ку, ахир. Бундай урушда монополистлар ҳам ҳалок бўлади, коммунистлар ҳам ҳалок бўлади. Бизнинг атом бомбаларимиздан, коммунистик атом бомбалардан ўзларини ҳимоя қилмоқ учун коммунистларда ҳимоя воситалари йўқ.

Шундай қурбонлар эвазига социалистик революция ғалаба қилади, деб гапириш аҳмоқликдир, жуда аҳмоқликдир! Бундай киши профессор-хирург Петровскийга мурожаат қилиши керак, дуруст, у юрак операциясини яхши қилади. лекин мияда касал туғдирадиган бундай ўсимталарни олиб ташлаш учун унинг тажрибаси бўлмаса керак.

Менинг ишончим комил. Мен буни фақат коммунистик партиямиз номидангина гапираётганим йўқ, мен буни бутун совет халқи номидан гапираётирман, мен аминманки, биз ҳаммамиз жаҳон урушининг бошланишига қаршимиз, бу уруш нақадар ўта революцион сафсаталар билан оқланмасин, барибир биз ҳаммамиз жаҳон урушининг бошланишига қаршимиз.

Қуёшнинг балқиб чиқишига ишонганимиз каби, марксизм-ленинизмнинг бутун дунёда ғалаба қилишига ишонамиз. Революциянинг қайтарзда, қаерда, қачон ғалаба қилиши масаласи давлатлар ўртасида бўладиган урушлар йўли билан ҳал қилинмайди, балки буни ҳар бир мамлакатнинг ишчилар синфи, меҳнаткашлари ҳал қилади. Акс ҳолда қўлга таёқ олиб одамларни жаннатга, яъни коммунизмга ҳайдаб киритиш даражасига бориб етиш мумкин, чунки коммунизм ер юзидаги энг яхши жамият-ку, ахир. Шундай бир нарсани тасаввур қилиб кўринг: агар бирор кимса ракета-ядро таёғини кўтариб олиб, бошқаларга ўшқириб: сен коммунизмга борасанми, деб даҳшат билан савол бераверса, агар у «йўқ» деб жавоб берганида унинг бошига мана шу таёқ билан сола берса, бунинг оқибати нима бўлур эди?

Бундай позицияни тўғри позиция деб ҳисоблаш мумкинми, ахир? Йўқ. Революциянинг йўллари ва формалари тўғрисидаги масалани ҳар бир мамлакатнинг пролетариати, революцион партиялари ҳал қилади.

Такрор айтаманки, социализмнинг афзалликларини амалда кўрсатиш керак. Бунинг учун фақат гапира беришнинг ўзи кифоя қилмайди. Социалистик мамлакатлар социализмнинг афзалликларини ўз намуналари билан кўрсатишлари лозим. Биз ҳам шундай қилиб кўрсатмоқдамиз. Биз ўз муваффақиятларимизга ортиқча баҳо бериб юбораётганимиз йўқ. Ҳали биз унчалик бадавлат бўлиб яшаётганимиз йўқ, лекин илгариги вақтдаги турмушимизга қараганда анча яхши яшаётирмиз. Аммо энг муҳими шуки, совет халқи энг яхши яшаш учун керакли имкониятларни кун сайин, ой сайин, йил сайин кўпайтириб бормоқда. Эндиликда буни ҳатто муҳолифларимиз ҳам эътироф қилмоқдалар.

Шу сабабли биз келажакка ишонч билан қарамоқдамиз.

Баъзи бир кимсалар бундай савол беришлари мумкин: Жаҳон уруши бошланиб кетиши мумкинми? Уруш бўлиши мумкин эмас, деб айтиб бўлмайди. Сабаб? Бунинг сабаби шуки, империалистик давлатлар, монополистик капитал бор, Голдуотерлар ва бошқа «уотерлар» бор. Уларнинг қурол-яроғи бор, улар жаҳон урушини бошлаб юборишлари мумкин. Модомики, уруш жаҳон революциясига яхши шароит тайёрлаб беради, деб ҳисоблайдиган кишилар коммунистлар орасида бор экан, жаҳон урушини бошлаш билан мушкулликдан қутулиш йўлини қидираётган шахслар империалистлар орасида айниқса бор.

Бироқ, мен шундай деб ўйлайманки, термоядро қуролига эга бўлганлар ракета-ядро урушини бошламоқ учун кнопкага қўл узатиш ўз-ўзини ўлдириш учун қўл кўтариш эканлигини тушуна бошладилар.

Агар душманлар уруш бошласалар, жавоб зарбаси бериб, душманни тор-мор келтирмоқ учун ўзимизнинг ҳамма имкониятларимиздан, бутун ҳарбий қудратимиздан фойдаланишдан асло қайтмаймиз.

Бир вақтлар Гитлер қурол ўқталиб юрди, кейин уруш бошлаб юборди. Уралгача етиб бормоқчи бўлди. Гитлер авантюрасининг оқибати нима бўлганлиги маълум. Гитлернинг юришини такрорлашни истаганлар шуни билиб қўйишлари керакки, уларнинг қадам ташлаб силжишларига йўл қўйилмайди. Ўтган урушда гитлерчилар Волгоградгача етиб келган эканлар, эндиликда Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши уруш қилишга ботинганлар ўз юртларидан силжимасданоқ кунпаякун бўладилар. Бизнинг совет қўшинларимиз, Германия Демократик Республикасининг ва Варшава шартномасига аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг қўшинлари ҳозир ҳимоя қилиб турган чегаралардан агрессорлар ўта олмайди. Ракета-ядро қуроли бу чегараларни ёпиб турибди.

Уруш тугагандан бери, гарчи йигирма йилга яқин вақт ўтган бўлса ҳам, урушдан кейинги ишларни саранжомлаш проблемалари Германия территориясида шу вақтгача ҳал қилингани йўқ. Бу эса кескинликнинг хатарли ўчоғини, янги уруш хавфининг манбаини вужудга келтирмоқда. Германия проблемасини тинч бартараф қилиш масаласи шундай ҳал қилиниши мумкин ва лозимки, ер юзидаги одамлар эркин нафас оладиган бўлсинлар ва ўринларига ётар эканлар, эртага уруш бошланиб қолмасмикин ва шу ётганимизча гум бўлиб қолмасмикинмиз, деб хавотирланмайдиган бўлсинлар. Агар иш бундан буён ҳам ҳозиргидек бораверса, уруш хавфи кучая беради ва бундай хатарли ривожланишнинг на охири, на чегараси бўлади.

Германия масаласи ҳал қилинмай қолаётганлигининг ўзи Ғарб давлатларини ва Варшава шартномаси давлатларини Европанинг марказида жуда кўп миқдордаги қўшин ва қурол-яроғларни тўплашга мажбур қилмоқда, икки томоннинг жуда катта қуролли кучлари бир-бирига рўпара бўлиб турибди. Ғарбдаги империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари ақл-идрок овозига қулоқ солмасалар ва Германия масаласини ҳал қилиш тўғрисидаги реалистик таклифларга яраша иш қилмоқ учун ўзларида куч топмасалар, аҳвол шу тариқа давом эта беради.

Уруш давом этаётган вақтда фашизмга қарши коалицияда қатнашган Ғарб давлатлари урушдан кейинги Германия аввалгидек капиталистик мамлакат бўлиб қола беради, деб умид қилган эдилар. Биз, коммунистлар бошқача бир нарсани — Германиянинг социалистик келажакка эришишини истаган эдик.

Урушдан кейинги йилларда воқеалар қандай ривожланганлиги ҳаммага маълум. Гитлерчилар рейхи территориясида турли ҳаттоки, бир-бирига қарама-қарши ижтимоий тузумдаги икки давлат ва мустақил территория тариқасида Ғарбий Берлин вужудга келди.

Совет Иттифоқи бу объектив фактни эътироф қилди, лекин бизнинг собиқ иттифоқчиларимиз Ғарбий Германия империалистлари билан биргаликда бошқа бир нарсани, Германия Демократик Республикасида капиталистик тартибларнинг реставрация қилинишини, уни Федератив Республикага «қўшиб олишни» истар эдилар, албатта.

Бу вазифани ҳарбий йўл билан, жаҳонни термоядро ҳалокати гирдобига ташламай туриб ҳал қилиб бўлмайди. Ғарбдагилар ҳам ҳозир буни тушунадилар. Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашларини капитализм бўйинтуруғига ўз хоҳишлари билан бош суқишга «кўндириш»га ҳеч ким муваффақ бўлолмайди!

Бундай қиламан, деб ўйлаш хом хаёл-ку. Бу — янгиликни, социалистик, нокапиталистик нарсаларнинг ҳаммасини бутун жонтани билан ёмон кўрган ва фақат битта система — капиталистик системагина бутун дунёда ҳукмронлик қилишга қонуний ҳаққи бор деб, ўжарлик билан такрор-такрор айтаётган, ҳозирги замонга ўтмишнинг кўзойнаги орқали қарашни ҳали ҳам давом эттираётган кишиларнинг хом хаёлидир. Тарих бу хом хаёлларни аллақачонлар пучга чиқарган.

Вужудга келган мураккаб аҳволдан келиб чиқаётган проблемаларни тинч йўл билан ҳал этишни Совет Иттифоқи Ғарбдаги ўзининг музокарадошларига неча марталаб таклиф қилди. Таклифларимизнинг моҳияти шуки, Германия сулҳ шартномасини тузиш керак, бу шартномада ҳақиқатда вужудга келган мавжуд аҳвол эътироф қилинадиган бўлсин. Бундай шартнома ҳеч кимга заррача зарар етказмайди — ҳеч ким ўзининки бўлган нарсани бошқага бериши лозим бўлмайди. Германия шартномасини тузиш бизга, Германия Демократик Республикасига ён бериш бўлмас эди, балки фақат ақл-идрокка ён бериш бўлур эди. Бу шартнома территориялардан, аҳолидан, реал ҳуқуқлар ва имтиёзлардан воз кечишни талаб қилмайди, балки пуч хом хаёллардан, қуруқ умидлардан ва қайсарликдан воз кечишни талаб қилади, холос. Мана шуларнинг ҳаммаси воз кечиш унчалик қийин бўлган «капитал» эмас.

Германия масаласи бартараф қилинмаётганлиги сира кутилмаган бир пайтда фалокат бошланиб кетишига олиб келиши мумкин. Модомики, биз бу ҳалокатга йўл қўйишни истамас эканмиз, ахир бир кун давлат арбоблари реал мавжуд вазиятга сергаклик билан баҳо беришга журъат қилишлари керак бўлади.

Хўш, бунинг учун қандай журъат талаб қилинади? Айтишим мумкинки, бу журъат ҳам катта ва айни вақтда кичикроқ бўлиши ҳам мумкин. Ер юзида тинчликни сақлаш учун давлат арбобларининг зиммасида турган масъулиятни тушуниш нуқтаи назаридан қараганда, бунинг учун катта журъат талаб қилинади, аммо, аслини олганда, шу дамгача вужудга келган ва ҳозирги реал мавжуд аҳволни қайд қилиб қўйиш тўғрисидагина гап бораётганлиги назарга олинса, бунинг учун унчалик катта журъат талаб қилинмайди. Буни қайд қилиш на бу томоннинг, на у томоннинг қурбонлар беришини ҳам, бирон нимани бой беришни ҳам талаб қилмаган бўлур эди. Аксинча, ҳар иккала томон фақат ютиб чиққан бўлур эди, ютиб чиққанда ҳам энг асосий масалада — тинчликни мустаҳкамлаш, қуролли кучларни қисқартириш, қуролланиш пойгасининг оғир юкини халқлар устидан олиб ташлаш, кескинликни юмшатиш ишида ютиб чиққан бўлур эдилар. Шу яхшиликларнинг ҳаммаси ер юзидаги одамларга насиб бўлур эди.

Реваншчилар ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш принципини Германия масаласига татбиқ қилиб бўлмаслигини ва Германияни бирлаштиришга бу принципнинг ҳеч бир алоқаси йўқлигини гарчи жуда яхши тушунсалар ҳам, лекин улар ўзларининг агрессив реваншчилик интилишларини ҳамма миллатларга ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини бериш керак, деган олижаноб шиор билан ниқобламоқдалар.

Германияни қайта бирлаштириш проблемаси фақат миллий проблемагина эмас. Бу, аввало, социал-иқтисодий проблемадир. Бунда гап ижтимоий тузуми бир-бирига зид бўлган икки давлат тўғрисида бораётир. Ғарбий Германия ҳукумати ва унинг иттифоқчилари мамлакатни бирлаштиришга ҳақиқатан ҳам интилганларида эди, улар сулҳ шартномаси тузилишига рози бўлишлари, Германия Демократик Республикаси ҳукуматини танишлари, у билан алоқа боғлаш ва бир битимга келиш йўлларини қидириб топишлари керак эди. Бундай алоқа ва битимлар нечоғли кўп бўлса, Европадаги вазият шу қадар яхшиланади, Германияни бирлаштиришга олиб борадиган кўприклар шу қадар кенг бўлади.

Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси ва бошқа социалистик мамлакатлар Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш учун курашиб келдилар ва бундан буён ҳам кураш олиб борадилар. Биз аввалдагидек ҳозирда ҳам бутун Европанинг хавфсизлиги манфаатлари, умумий тинчлик манфаатлари мавжуд герман давлатлари билан сулҳ шартномаси тузишни талаб этади, деб ҳисобламоқдамиз. Бу шартнома ҳақиқатда рўй берган аҳволни қайд қилиши, ҳозирги герман чегараларининг, шу жумладан Германия Федератив Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги чегараларнинг барқарорлигини юридик жиҳатдан расмийлаштириши ва мустаҳкамлаши, ҳар иккала герман давлати ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириши лозим. Иккинчи жаҳон урушидан қолган масалаларни узил-кесил ҳал қилиш давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг бутун системасини анча соғломлаштирган бўлур эди ва бошқа халқаро проблемаларни ҳал этишни жиддий суратда енгиллаштирган бўлур эди.

Ҳозирги пайтда давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни ҳал этишнинг фақат бир йўли бор, у ҳам бўлса тинч музокаралар олиб бориш ва битимларга келиш йўли, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш йўлидир. Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси ҳукуматлари худди шу йўлни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

Ўртоқлар!

Германия Демократик Республикасининг социализм қурилишида эришган муваффақиятлари, унинг халқаро майдондаги обрўси мустаҳкамланганлиги жаҳон социализм системасининг муваффақиятлари билан чамбарчас боғланган. Халқларнинг социалистик ҳамдўстлиги шундай буюк кучдирки, бу куч ҳар бир социалистик мамлакатнинг ҳаётига таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган йиллар ғалаба йилларигина бўлиб қолмай, балки жиддий синовлар йиллари ҳам бўлди. Модомики, биз бу синовларга бардош берган эканмиз, бунга кўп жиҳатдан сабаб шуки, социалистик мамлакатларнинг халқлари бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилдилар. Шу сабабли у ёки бу социалистик мамлакатнинг муваффақиятлари тўғрисида гапирар эканмиз, бу муваффақиятларни ҳақли суратда жаҳон социализми тараққиёти ягона процессининг таркибий қисми, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам биз социалистик халқларнинг ҳамдўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашни, қардош партиялар ва давлатларнинг иттифоқини мустаҳкамлашни ўзимизнинг энг биринчи интернационал бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Европадаги бир қанча социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари бу йил халқ-демократик революцияларининг йигирма йиллигини нишонлайдилар. Бу революциялар пировардида жаҳон социалистик ҳамдўстлигини вужудга келтиришга олиб келди. Йигирма йил халқлар тарихида унча катта фурсат эмас. Аммо социализм ҳаракатга келтирувчи шундай қудратли кучки, у жаҳон тараққиётининг суръатларини тезлаштирмоқда, социал ҳаёт динамизмини, ижтимоий тараққиётнинг боришини кўп марта оширмоқда.

Социализм йигирма йил ичида Европада ва Осиёда ўз чегараларини кенгайтирди, Ғарбий ярим шарда биринчи ғалабага эришди. Социализм Африка қитъасида бирин-кетин позицияларни қўлга киритмоқда. Аммо гап географияда эмас, албатта. Социализм йигирма йил мобайнида жаҳондаги жуда катта районларнинг социал қиёфасини жиддий суратда ўзгартирди, юз миллионларча кишиларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди.

Социализм мамлакатлари халқ ҳокимияти йилларида ўзларининг халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида олға қараб жуда катта қадам қўйдилар. Социалистик мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришининг урушдан аввалги даражасидан ҳозир тахминан саккиз баравар ўзиб кетилди, ваҳолонки капиталистик мамлакатларда бу даражадан уч баравардан камроқ ўзиб кетилди.

Социалистик системанинг қарор топиши мураккаб ва кўп қиррали процессдир. Социалистик халқларнинг ихтиёрий иттифоқи капитализм меросига қарши, ўтмишнинг сарқитларига қарши шиддатли кураш жараёнида вужудга келди. Афсуски, ўтмишнинг сарқитлари революциянинг эртасигаёқ йўқолиб кетмайди. Социалистик ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодий даражаси турлича бўлган, тарихий-маданий традициялари ва алоқалари турлича бўлган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ва ҳамкорликни йўлга қўйиш керак эди. Узоқ вақт мобайнида бир-бирига душман бўлган ёки ҳатто бир-бирлари билан уруш қилган мамлакатлар ўртасида ҳам дўстона муносабатларни йўлга қўйиш керак эди. Бу вазифаларни ҳатто энг революцион руҳдаги декретлар ёрдами билан ҳам ҳал этиб бўлмас эди. Қунт билан жуда кенг кўламда иш олиб бориш лозим эди.

Социалистик ҳамдўстлик янги ижтимоий-сиёсий уюшмадир. Социалистик мамлакатлар ўртасида таркиб топаётган муносабатлар янги хилдаги муносабатлардир. Агар очиқ гапирадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, биз, коммунистлар кўпимиз дастлабки вақтларда социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар принцип эътибори билан орадан қил ҳам ўтмайдиган силлиқ муносабатлар бўлиши керак, деб ўйлар эдик. Аммо, реал турмуш идеологик тузилишларга қараганда мураккаброқ ва қарама-қаршилироқ бўлиб чиқди. Бунга баъзи объектив омиллар таъсири сабаб бўлибгина қолмай, балки яна шу нарса ҳам сабаб бўладики, социализм йўлига ўтиб олган халқлар ўртасидаги янги муносабатларни йўлга қўйиш жуда мураккаб вазифадир, бунда синалмаган йўлдан қадам қўйиб боришга тўғри келади. Бундай чуқур ўзгаришлар амалга оширилган жойларда эса вақтинча қийинчиликлар муқаррар рўй беради ва айрим хатолар бўлиши ҳам мумкин. Жаҳон социализмининг кучи, ҳаётийлиги шундаки, у ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, узлуксиз ривожланди ва ривожлана беради ҳамда инсониятнинг тақдирига тобора кўпроқ таъсир кўрсата беради.

Ўртоқлар! Кейинги йилларда Хитой Коммунистик партияси раҳбарларининг бузғунчилик ишлари натижасида социалистик ҳамдўстликда, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида аҳвол мураккаблашганлигини яхши биласиз. Партиямизнинг ва Германия Бирлашган социалистик партиясининг ҳужжатларида, бошқа марксчи-ленинчи партияларнинг ҳужжатларида замонамизнинг энг муҳим проблемалари юзасидан Хитой Компартияси раҳбарларининг хато фикрлари бир неча бор чуқур таҳлил этилган эди. Мен ҳозир фақат бир масалага — Хитой раҳбарларининг социалистик ҳамдўстлик тараққиётидаги сиёсати тўғрисидаги, уларнинг бошқа социалистик мамлакатларга муносабати тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтишни истар эдим.

Таассуф билан шу гапларни айтишга тўғри келади: Кейинги йилларда Хитой Компартиясининг раҳбарлари социалистик системани мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бир ёқда турсин, балки социалистик мамлакатларнинг бирлигига қадамба-қадам путур етказдилар, халқаро майдонда умумий сиёсатимизни амалга оширишда қийинчиликларни вужудга келтирдилар. Хитой раҳбарларининг социалистик ҳамдўстликнинг ғоявий-сиёсий негизларига ҳар қандай қилиб бўлса ҳам путур етказиш, социалистик мамлакатларнинг иқтисодий, ҳарбий, маданий алоқаларини заифлаштиришга интилишлари кун сайин яққол кўрина бошлади.

Хитой Компартиясининг раҳбарлари ўзларининг фракциячилик мақсадларини кўзлаб, халқларнинг ўз давлати ва суверенитетини мустаҳкамлаш йўлидаги табиий интилишларидан фойдаланмоқчи бўладилар. Уларнинг социалистик лагердаги фаолияти қардош халқлар орасига нифоқ солишга, уларнинг бутун ҳамдўстлик олий манфаатларини унутиб қўйишларига, ўзларининг интернационал бурчларини эсдан чиқариб қўйишларига эришишга қаратилган.

Шундай қилиб, халқларнинг социалистик ҳамдўстлигига нисбатан икки хил йўл борлиги кўриниб турибди. Хитой Компартияси раҳбарларининг йўли жаҳон социализм системасини бузишга қаратилган. Иккинчи йўл — қардош партиялар кўпчилигининг, шу жумладан бизнинг партиямиз ва Германия Бирлашган социалистик партиясининг йўлидир. Бу йўл социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга қаратилган. Ана шу икки йўналиш ўртасидаги кураш енгил кураш бўлмайди ва барча мамлакатларнинг коммунистларидан кўп куч ва ғайрат сарф қилишни талаб этади.

Пировард натижада социалистик халқларнинг интернационал бирлиги, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги тантана қилажагига шубҳамиз йўқ. Аммо, коммунистларнинг қўл қовуштириб ўтириб, келишмовчиликлар ўз-ўзидан тамомила йўқолиб кетадиган пайтни кутиб туришлари кечирилмаслик бир ҳол бўлур эди.

Воқеаларга реал кўз билан қараш керак: модомики Хитой раҳбарлари ўзларининг алоҳида хато фикрларида тура берар эканлар, бу фикрларни бошқа партияларга тиқиштирмоқчи бўлар эканлар, у ҳолда коммунистлар ғоявий кураш олиб боришлари ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг умумий йўлини қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари лозим. Мунозарамизнинг диққат марказида турган масалалар — тинчлик ва тинч-тотув яшаш масалалари, янги жамият барпо қилиш методлари ва формалари, революцион кураш ва миллий-озодлик ҳаракатини ривожлантириш йўллари масалалари жуда катта ва ғоят жиддий масалалар бўлганлиги учун принципсиз ён бериш ва муросасозлик қилиш сира ҳам мумкин эмас. Бизнинг бу масалаларда тўғри йўлни ўтказиш учун олиб бораётган курашимиз обрў учун олиб борилаётган кураш ҳам эмас, тор доирадаги партиявий келишмовчиликлар ҳам эмас. Революциянинг тақдири, социализм ва тинчликнинг тақдири, халқларнинг келажаги кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган масалалар теварагида кураш олиб борилмоқда.

Владимир Ильич Ленин бизга таълим бериб айтган эдики, бундай масалаларда юксак даражада принципиаллик ва саботли бўлиш, марксизмни ҳимоя қилмоқ учун куч ва ғайратни аямаслик керак. Биз, совет коммунистлари жаҳон пролетариатининг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленин бизга таълим берганидек ҳамиша ҳаракат қилиб келдик ва бундан буён ҳам шундай ҳаракат қила берамиз.

Принципиал ва чуқур ғоявий келишмовчиликлар бўлганида социалистик мамлакатлар ўртасида иқтисодий, ташқи сиёсий, ҳарбий ҳамкорликни, маданий алоқаларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мумкинми, деган савол пайдо бўлади. Давлатни бошқараётган коммунистик ва ишчи партиялар учун бу ғоят муҳим масаладир. Давлатлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш мураккаб ва масъулиятли ишдир. Бундай муносабатларга путур етказиш жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бизнинг партиямиз идеология соҳасидаги келишмовчиликларни давлатлар ўртасидаги муносабатлар соҳасига кўчиришга йўл қўйиш ярамайди деб ҳисоблайди, чунки ана шу келишмовчиликларни давлатлар ўртасидаги муносабатларга кўчириш оқибат натижада жаҳон социализмининг позицияларини заифлаштиради ва объектив равишда империализмга қўл келади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг зўр бериб ҳаракат қилаётганлигига қарамай, ғоявий келишмовчиликлар Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро давлат муносабатларига ҳам кўчирилмоқда. Бизнинг айбимиз билан шундай бўлаётгани йўқ. Биз Совет—Хитой муносабатларини, шу жумладан давлат йўли билан бўладиган муносабатларни ҳам нормаллаштириш йўллари ҳозирги кунда очиқ деб ҳисоблаймиз. Яхши ният билан иш кўриш ва ўз халқи олдидаги, бутун революцион ҳаракат олдидаги юксак бурчни англаш керак, холос. Бизнинг партиямиз ана шу принципга доим амал қилади, барча социалистик мамлакатлар ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қила беради.

Қадрли ўртоқлар!

Қалин дўстимиз ўртоқ Вальтер Ульбрихт ва у билан бирга келган Германия Демократик Республикаси таниқли арбобларининг сафари тамом бўлай деб қолди. Бизнинг немис дўстларимиз совет кишилари билан учрашдилар ва суҳбат қилдилар, бизнинг мамлакатимизда кўп нарса кўрдилар. Улар совет кишиларининг Германия Демократик Республикаси халқига нисбатан қардошлик туйғуларига янада чуқур ишонч ҳосил қилганлари ҳолда ўз юртларига қайтиб борадилар. Бунга шак-шубҳамиз йўқ.

Шу кунларда олиб борилган музокаралар самарали музокаралар бўлди ва ҳар иккала партиямиз ва ҳар иккала давлатимиз ўртасидаги алоқаларни ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди. Бу музокараларнинг натижалари ахборотда акс эттирилган.

Музокараларнинг асосий натижаси — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тузиш бўлди. Бу шартнома бир неча соатдан кейин имзоланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга асос бўлган принциплар — тўла тенг ҳуқуқлилик, бир-бирининг суверенитетини ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, шунингдек социалистик интернационализм, ўзаро қардошларча ёрдам ва ўзаро манфаатдорлик, дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик ана шу шартномада ўзининг конкрет ифодасини топади. Шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашгагина эмас, балки тинчлик ишига ва янги урушнинг олдини олиш ишига, Германия масаласини тинч ҳал этиш учун курашга ҳам қўшилган муҳим ҳисса бўлиб хизмат қилажагига шак-шубҳа йўқ.

Биз ҳозирги кунда зўр мамнуният билан яна шуни қайд қила оламизки, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашда, ҳозирги халқаро сиёсатнинг барча асосий проблемаларини ҳал этиш учун курашда Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси бошқа социалистик давлатлар билан биргаликда ягона фронт бўлиб ҳаракат қилмоқдалар.

Биз бир йўлдан — марксча-ленинча йўлдан буюк ва порлоқ мақсад сари — социализм ва коммунизм қуриш сари олға бормоқдамиз. Биз муштарак буюк ишимизнинг тўла ғалаба қозонишига астойдил ишонамиз.

Немис ишчилар синфи революцион ишчилар ҳаракатига бебаҳо катта ҳисса қўшди. Немис ишчилар синфи жаҳонга коммунизмнинг илмий назариясини ижод этган Карл Маркс ва Фридрих Энгельсдек буюк мутафаккирларни берди, немис ишчилар синфи ўз орасидан Август Бебель, Вильгельм Либкнехт ва шулар сингари бошқа кўп атоқли революционерларни етиштирди. Энгельс ёзганидек, немис ишчилари неча ўн йиллар мобайнида «пролетариат курашига бошчилик қилдилар», юксак даражада мардлик, қатъият ва ғайрат кўрсатдилар.

Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ана шу ажойиб традицияларни давом эттирмоқдалар. Улар одам одамни эксплуатация қилишига барҳам бердилар ва Маркс, Энгельс, Ленин улуғ ғояларини, немис ишчилар синфининг энг яхши намояндалари Карл Либкнехт, Роза Люксембург, Клара Цеткин, Эрнст Тельман, Вильгельм Пик неча ўн йиллар мобайнида рўёбга чиқариш учун қаҳрамонона курашиб келган ана шу ғояларни муваффақиятли суратда амалга оширмоқдалар.

Биз ҳозирги кунда уларнинг ишларини садоқат билан давом эттираётган азиз дўстимиз ва ўртоғимиз Вальтер Ульбрихтни, унинг сафдошларини, бутун раҳбарлар коллективини табриклаш билан хурсандмиз. Ана шу коллектив немис халқининг энг яхши кучларини ўз теварагига жипслаштирди ва унинг бахтли истиқбол учун, социализм учун олиб бораётган курашига раҳбарлик қилмоқда.

Биз шу нарсага чуқур аминмизки, Германия Демократик Республикасининг ишчилар синфи, Германия Федератив Республикасининг ишчилар синфи ва унинг авангарди Германия Коммунистик партияси, бутун немис ишчилар синфи рўёбга чиқариш учун курашаётган иш эртами, кечми бари бир бутун Германияда тантана қилади. Келажак социализмникидир, Германия меҳнаткашлари социализм тарихида кўпгина шонли саҳифалар очдилар.

Бутун совет халқи номидан немис дўстларимизни яна бир марта самимий табриклашга ва немис халқининг тинчлик ва социализм учун курашида янги муваффақиятларга эришувини тилашга ижозат бергайсиз.

Яшасин совет-герман дўстлиги!

Яшасин ва яшнасин Германия Демократик Республикаси!

Яшасин Германия Бирлашган социалистик партияси ва унинг ўртоқ Вальтер Ульбрихт бошчилигидаги Марказий Комитети!

Яшасин социалистик ҳамдўстликдаги халқларнинг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг марксизм-ленинизм асосидаги бирлиги ва жипслиги!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

ЎРТОҚ В. УЛЬБРИХТ НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев!

Ҳурматли ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Халқларимиз, партияларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги дўстликка бағишланган бу митингда Москва меҳнаткашлари олдида нутқ сўзлашдек катта шарафга муяссар бўлдим.

Биз ҳали ҳам дўстлик ва қардошларча бирлик сафарининг кучли таассуроти остида турибмиз. Москва, Урал, Сибирь орқали ўтган бу унутилмас сафарнинг натижалари ва олинган тажрибалар кўп йиллар давомида синчиклаб ўрганилади.

Германия Демократик Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида ўзаро келишиб олинган Шартноманинг ҳам таассуроти остида турибмиз. Ягона дунёқарашнинг, муштарак идеаллар ва мақсадларнинг бақувват базасига ва бир-бирига мос бўлиб тушган миллий манфаатларнинг негизига қурилган, тўла ишончга асосланган қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини мустаҳкамлаб берган бу Шартнома буюк тарихий аҳамиятга эга. Германия Демократик Республикаси билан СССР ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик муттасил ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини, ҳозирги кунда ҳар иккала давлат ўртасида мустаҳкам ва бузилмас дўстлик ҳамда қардошлик муносабатлари ўрнатилганлигини Шартнома кўрсатиб турибди. Шартнома ҳар иккала халқнинг мана шу тарихий ғалабасини мустаҳкамлаб берди, бу ғалаба азалги ҳаётий манфаатларга, халқларнинг социалистик ҳамдўстлиги манфаатларига, шунингдек Европадаги тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига ҳам хизмат қилади. Шартнома иккала давлатимиз ўртасида узоқ йилларга мўлжалланган дўстликнинг йўлини, мазмунини ва айни вақтда мустаҳкам истиқболини белгилайди. Бу истиқбол асримизнинг кейинги ўн йилигача давом қиладиган кўп йилларни ўз ичига олади ва мен аминманки, 2000-йил доирасидан ҳам чиқиб кетади. Шартнома немис халқининг миллий масаласини тинчлик, демократия ва социализм руҳида ҳал қилишга ёрдам беради. Шартнома бутун немис халқининг Совет Иттифоқи халқлари билан дўстлик йўлини кўрсатиб беради.

БИЗНИНГ ДЎСТЛИК САФАРИМИЗ ВА БУНДАН БУЁНГИ ИСТИҚБОЛЛАР БОРАСИДАГИ ХУЛОСАЛАР

Сизларнинг буюк мамлакатингиз бўйлаб қилган дўстлик сафаримиз одатдаги маршрутлардан фарқ қилди ва бу сафар Урал, Сибирь орқали Байкал кўлигача давом этди. Бу саёҳат менинг учун, менинг рафиқам учун ва Германия Демократик Республикасидан келиб, бу саёҳатда қатнашганларнинг ҳаммаси учун тўлқинлантирадиган ва хурсанд қиладиган ёрқин таассуротлар билан тўла унутилмас гўзал воқеа бўлди.

Бундан ташқари, бу сафар бизга Совет Иттифоқи буюк истиқболини ва шу туфайли қардошларча дўстлик ҳамда бирдамлик воситалари орқали Совет Иттифоқи билан боғланган халқларнинг социалистик оиласидаги бошқа давлатларнинг ҳам буюк истиқболини кўрсатувчи жонли ва яққол манзарани кўз олдимизда гавдалантирди. Бу сафар социализм ва коммунизмнинг жаҳон миқёсида ғалаба қозонишининг мустаҳкам истиқболини бизга жонли, яққол ва ёрқин исботлади.

Совет Иттифоқининг, шунингдек Сибирь ва Уралнинг кейинги вақтгача бўлган иқтисодий ривожланишига доир статистика маълумотларини биламиз. Биз жорий план топшириқларининг асосий кўрсаткичларидан хабардормиз. Бу доирадан четга чиқиб узоқ муддатга мўлжалланган перспектив планларга доир муайян мулоҳазалар ва дастлабки режалар бизга маълум.

Бироқ, статистика рақамлари ва план топшириқлари ҳар қанча мароқли бўлса ҳам, лекин уларни кўриб чиқиш бутун воқеликни, бутун ҳаётни очиб бермайди. Аммо, Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг меҳнатсеварлиги, чидамлилиги, мардлиги ва фидокорлиги натижасида кечагина белгиланган жуда катта план топшириқлари пўлат, бетон ва шишада, замонавий машиналарда мужассамланган янги воқеликка айланаётганлигини ўз кўзимиз билан кўриш, буларнинг ҳаммаси ҳеч бир нуқсонсиз ишлаётганлигини кўриш, шунингдек, мана шу мўъжиза-иншоотларни яратаётган шижоатли кишилар билан гаплашиш бутунлай бошқача таассурот қолдиради. Сибирда қурилаётган ёки ҳозир ишлаб турган жуда катта гидроэлектростанцияларни кўздан кечирганингда, кечагина режаси мураккаб планлар тарзида қоғозга чизиб қўйилган ва чертежларда акс эттирилган гигант химия комбинатлари ишлаб турганлигини кўрганингда ҳатто энг яхши ҳисоботни ўқиганингга қараганда ҳам бутунлай бошқача таассурот оласан. Совет Иттифоқида илмни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги директиваларни ўрганган вақтингда олган таассуротинг билан мана шуларнинг ҳаммаси мужассам бўлганлигидан келиб чиқаётган натижаларни кўриб, кенг маълумотли ёш йигитни, лаёқатли ва жўшқин ёш мутахассисни, инженерни, атоқли ёш илмий ходимни кўз олдингда кўриб олган таассуротингни бир-бирига солиштириб қарасанг, бутунлай бошқа-бошқа таассурот ҳосил бўлади.

Москвада, Уралда ва Сибирда биз коммунистик қурилишнинг серғайрат кишилари билан гаплашдик. Биз уларнинг муваффақиятларини кўрдик ва уларнинг мўлжаллаб қўйган планларига қойил қолдик. Биз Уралда, Енисейда, Ангарада, Обь дарёси бўйида янги саноат иншоотларини кўрдик. Сибирда жаҳонда энг катта гидроэлектростанцияларни қураётган нефть химиясининг замонавий корхоналарига раҳбарлик қилаётган, Сибирда нефть ва табиий газ конларини топган, ер ости бойликларини ўрганишни ташкил этаётган, электротехниканинг ва электрониканинг замонавий корхоналарида ишлаб турган, қишлоқ хўжалигида эса ерни ишлашнинг ва чорва молларни боқишнинг саноат тарзидаги замонавий методларига ўтаётган одамлар кетидан бордик. Техника революцияси ҳозирги кундаёқ Сибирда зўр тараққиёт вужудга келтирибди. Буларнинг ҳаммасини фақат ишчилар синфининг марксчи-ленинчи партиясининг КПСС раҳбарлигида қўлга киритиш мумкин бўлди, буларнинг ҳаммасини Совет ҳокимияти даврида ва синалган ленинчи дўстимиз Никита Сергеевич Хрушчев раҳбарлигида қўлга киритиш мумкин бўлди.

ҚПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига, ҳамма кишиларга мен шуни айтишни истар эдим: Фанларни эгаллаётган, синалмаган йўллардан дадил олға бораётган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган ва буюк Совет мамлакатининг оташин ватанпарварлари бўлганликлари учун ҳам Совет давлатининг қилган яхшиликларини янги кашфиётлар очиш ва табиат кучларини эгаллаш методларини топиш тариқасида, юз ҳисса қилиб қайтариш истаги билан жўш урган ажойиб ва мард кишиларингиз борлиги билан сизларни чин кўнгилдан қутлаймиз.

Энг қийин ва мураккаб вазифаларни меҳнаткашларнинг ҳал қилишларига имкон бераётган изчил марксча-ленинча сиёсатни ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати етакчилигидаги шижоаткор ажойиб ёшлар, шунингдек Сибирдаги ва Уралдаги табиатнинг афсонавий кучлари ҳамда ўзининг ўзлаштирилишини кутиб ётган ер ости бойликлари — мана шуларнинг ҳаммаси социализм ва коммунизмнинг келгусида узил-кесил ғалаба қозонишини мутлақо равшан қилиб қўймоқда.

Сибирдаги ривожланиш коммунистик ва ишчи партияларнинг 1960 йилдаги қарорлари тўғрилигини тасдиқловчи жонли далилдир. Жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар синфи ва империализмни енгиш ҳамда жамиятни қайта қуриш учун курашаётган кучлар инсоният жамияти тарихий ривожланишининг бош йўлини ва асосий босқичларини ҳақиқатан белгилаб бераётганлиги бу ерда, Сибирдаги тинч, яратувчилик меҳнати фронтида равшан кўринмоқда. Инсон фаолиятининг ҳал қилувчи соҳасида, моддий ишлаб чиқариш соҳасида капитализм устидан қозониладиган ғалаба қандай тайёрланаётганлигини Сибирь саноатининг ривожланиши очиқ кўрсатиб турибди. Социализм инсоният жамияти ривожланишининг тобора кўпроқ белгиловчи фактори бўлиб қолмоқда, халқаро муносабатларга ҳам тобора доимо ўсиб борувчи таъсир ўтказмоқда.

Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик мамлакатларда саноатни ўстириш суръатлари империалистик давлатлардаги суръатлардан анча ўзиб кетди, бинобарин, социалистик системадаги саноат ишлаб чиқариши билан капиталистик системадаги саноат ишлаб чиқариши ўртасидаги фарқ тобора кўпроқ қисқариб бормоқда. Экономика соҳасида жаҳондаги кучлар нисбатининг 1950 йилдан буёнги ўзгариши буни яққол кўрсатиб турибди. Масалан, 1950 йилда жаҳон саноат ишлаб чиқаришида социалистик мамлакатларнинг ҳиссаси қарийб 20 процентни ташкил қилган эди. 1963 йилда бу ҳисса 38 процентга етди, яъни қарийб икки баравар кўпайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу даврда империалистик мамлакатлар ҳам ўзларининг ишлаб чиқаришларини кўпайтирдилар. Бироқ, улар Совет Иттифоқидаги ва бошқа социалистик мамлакатлардаги саноатни ривожлантириш суръатлари билан тенг қадам ташлаб боролмадилар. Шундай қилиб, тинч меҳнатнинг революцион фронтида социализм билан империализм ўртасидаги кучларнинг иқтисодий нисбатида жуда катта ўзгариш рўй берди. Бу эса социалистик мамлакатлар саноат маҳсулотининг ҳажми империалистик мамлакатлар ва дунёдаги бошқа давлатларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардаги саноат маҳсулотининг ҳажмидан ошиб кетадиган вақт яқинлашиб қолди, деган ишончимизни мустаҳкамламоқда.

Тинч-тотув яшаш ва халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш учун курашда социалистик давлатларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Бу соҳада Совет Иттифоқининг илмий-техникавий муваффақиятлари ва унинг жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ҳарбий мудофаа қудрати алоҳида салмоқ касб қилмоқда.

Хуллас, тараққиётнинг бориши Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга бораётганлар муқаррар ғалабага олиб борадиган тарихан синалган йўлда турганлигини равшан кўрсатиб турибди. Ўз тақдирини империализм тақдири билан боғлаганлар империализм билан бирга муқаррар кризисга ва мағлубиятга маҳкум эканлиги равшан кўриниб турибди. Бизнинг йўлимиз кўпинча унчалик енгил эмас, албатта. Сибирь меҳнаткашларининг ва бутун совет халқининг катта куч-ғайратига ва қаҳрамонларча мардлигига қойилмиз. Маданият ва цивилизация марказларидан узоқда жойлашган табиат кучларини эгаллаш ва ер ости бойликларини ўзлаштириш тўғрисида гап борганида, аввало, Сибирь меҳнаткашлари ва бутун совет халқининг турмуши ҳозирги кунда ҳали ҳам кўпинча унчалик осон эмаслигини биламиз. Лекин биз шуни ҳам кўрдикки, бундан бир неча йиллар муқаддам ўзлаштирилмаган ерларда ва «одам оёғи етмаган» жойларда, қўл тегизилмаган тайгада йирик гидроэлектростанциялар ёки саноат корхоналари билан бир қаторда посёлкалар ва катта шаҳарлар қад кўтарди. Бу посёлкалар ва шаҳарларда ҳозирги замон кишисининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун керак бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бор.

Тинч-тотув яшаш учун курашнинг энг ўткир участкасида жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшмоқ учун Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ҳам катта куч-ғайрат сарфламоқдалар ва катта ишлар қилмоқдалар. Шу сабабли, биз совет меҳнаткашларининг буюк муваффақиятларини, унчалик осон бўлмаган меҳнатларини ва қаҳрамонликларини айниқса қадрлаймиз.

Капиталистик мамлакатларда йирик концернлар таъсирида бўлган баъзи журналлар социалистик давлатлар ўртасида миллий тафовутлар топишга уринмоқдалар. Улар, аввало, ўзлари истаган нарсани ҳақиқатан бор нарса қилиб кўрсатишга интилмоқдалар. Буни бизда бемаъни гапларни ўйлаб чиқариш, дейишади. Уларнинг разил сафсаталарини фақат биргина Совет Иттифоқи перспектив планининг улуғлиги билан ҳамда Сибирда ҳамманинг кўзи олдида содир бўлаётган саноат ва фан революциясининг улуғворлиги билан таққослаб кўришнинг ўзигина кифоя қилади.

Ғарб дунёси деб аталган мамлакатлардаги маълум маҳкамаларда ўтириб олган мана шу разил тентаклар жаҳонни ўзларининг фақат бурга кўзлари билан кўрмоқдалар. Улар Совет Иттифоқида, Германия Демократик Республикасида ва бошқа социалистик мамлакатларда ҳақиқатан нималар бўлаётганлигига баҳо бериш қобилиятига асло эга эмаслар.

Биз Ғарбий Германиядаги рақиб билан кураш олиб бормоқдамиз. Ҳозирги вақтда у иқтисодий жиҳатдан биздан ҳали кучлироқ. Лекин бизнинг бу рақибимиз бошқа берк кўчага кириб қолди, чунки у реваншчилик сиёсати ва ўзининг янги мустамлакачилик сиёсати натижасида ўзини яккалаб қўйди, чунки капиталистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар герман империализмининг ўзи интилаётган ҳукмронликка эришувига имкон бермаётир. Биз қудратли Совет Иттифоқи томонида турганлигимиз сабабли ва Ғарбий Германиянинг барча прогрессив кучлари билан қардошларча бирлигимиз туфайли бутун Германиянинг буюк истиқболини ва келажағини белгилаб бермоқдамиз.

КПССнинг XXII съездиёқ Совет Иттифоқида ишлаб чиқарувчи кучларни тез ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб берган эди. Эндиликда буни биз Сибирда ўз кўзимиз билан кўрдик. Жаҳонда энг катта ва қудратли Братск гидроэлектростанциясининг ўзигина ҳар йили 22 миллиард киловатт-соатга яқин, яъни Германия Демократик Республикасида ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган электроэнергиянинг ярмисига тенг келадиган электроэнергияни ишлаб чиқарадиган бўлади. Ангара каскадидаги учта электростанция эса йилига 45-50 миллиард киловатт-соат ёки ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикасидаги электростанцияларнинг ҳаммаси ишлаб чиқараётган миқдордаги электроэнергияни ишлаб чиқарадиган бўлади.

Янги социалистик Германиянинг масъул вакиллари сифатида биз ўзимизнинг бу сафаримизда мана шу рус мўъжизасининг изларидан бордик. Халқнинг ижодкор кучи туфайли КПСС қарорлари қандай қилиб амалга оширилаётганлигини кўрдик.

БАЪЗИ ХАЛҚАРО МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Социалистик давлатлар ва халқларнинг катта истиқболлари муносабати билан Хитой раҳбарларининг хатти-ҳаракати тўғрисида бир неча сўз айтишга ижозат берасиз. ХКПнинг VIII партия съездидан кейин Хитой раҳбарлари бу съезднинг қарорларини бузиш ва улоқтириб ташлаш билангина қолмай, балки коммунистик ва ишчи партияларнинг 1957 ва 1960 йиллардаги қўшма ҳужжатларидан ҳам воз кечдилар. Бу ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг ўзлари ҳам қатнашган эдилар.

Уларнинг ҳеч масъулиятни сезмай ўтказиб келаётган ва халқаро ишчилар ҳаракати сафларини бузишга қаратилган сиёсати бизнинг ишимизга зарар етказди. Уларнинг янада каттароқ зарар етказишларига йўл қўймаслик манфаатларини кўзлаб, бизнинг фикримизча, барча коммунистик ва ишчи партиялар ўзларининг муносабатларини равшан айтиб беришлари зарур ва айрим партияларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллиги асосида, пролетар интернационализми, қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам асосида жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини тикламоқ учун бутун куч-ғайратни бирлаштиришлари лозим.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Хитой раҳбарларининг фаолиятини ва уларнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шаънига ва раҳбар совет ўртоқларнинг шаънига қилаётган туҳматларини зўр қатъият билан қоралайди. Марксизм-ленинизмнинг энг элементар принципларини бузаётган Хитой раҳбарлари ўзларининг миллатчиларга хос кибри билан ва Хитой Халқ Республикасида шахсга сиғинишни сақлаш ҳамда ҳимоя қилишга интилишлари билан халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатидан тобора узоқлашиб кетаётганликлари тўғрисида таассуф билдиришга тўғри келади.

Хитой раҳбарларининг марксизм-ленинизм таълимотини менсимаётганликларини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, улар ишчилар синфининг роли ва социалистик демократияни ривожлантириш масаласида марксизм-ленинизмга хилоф бўлган нотўғри позицияда турибдилар. ХХР давлат ҳокимияти системасида ишчилар синфи марксизм-ленинизм нуқтаи назари бўйича эгаллаши лозим бўлган ўринни эгаллагани йўқ. Хитой раҳбарлари ҳатто ишчилар синфи таъсирининг кучайишидан қўрқаётган бўлсалар керак, чунки ишчилар синфи таъсирининг кучайиши ишчиларнинг тарихий ролини ва манфаатларини янада кўпроқ ҳисобга олиш зарурятини тақозо этган бўлур эди. Хитойда касаба союзларнинг ишчилар моддий аҳволини бирмунча яхшилаш йўлидаги уринишларига Хитой Компартияси раҳбарлари зарба бердилар ва бу уринишларни хатарли «оғмачилик» деб атаб, уларга лаънат ўқидилар.

Хитойда ишчиларнинг синфий онгини ошириш, уларнинг ўз зиммаларидаги жавобгарликни англашга ва янги жамиятнинг бинокорлари ҳамда раҳбар кучлари сифатидаги буюк тарихий вазифаларини тушунишга асосланган ҳаракатларга тайёр туриш руҳида тарбиялаш ўрнига улардан кўр-кўрона бўйсунишни талаб қилмоқдалар. Ишчиларга дўқ уриш, буйруқ йўли билан уларнинг ташаббуси бўғилмоқда. Социалистик жамият ва юксак даражада индустрлаштирилган социалистик экономика қурилишининг мураккаб вазифаларини итоат қилиш ва солдат интизомини талаб қилиш билангина ҳал этиб бўлмайди.

Хитой раҳбарлари узоқ давом этган гражданлар уруши даврида зарур бўлган ҳарбий методлар ўрнига социалистик демократияни ривожлантириш лозим эканлигини тушунмаётган бўлсалар керак. Социалистик демократияни ривожлантирмай туриб, халқнинг ижодий кучлари ривожланмайди, бусиз социализмни муваффақиятли ва мустаҳкам суратда қуриш мумкин эмас.

Социалистик демократияни ривожлантириш кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий кучларини яйратиб юборади. Германия Демократик Республикасидаги тажрибаларимиз ҳам буни исбот қилиб турибди. Бизнинг тажрибамиз яна шуни ўргатадики, меҳнаткашлар иқтисодий, давлат, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларига раҳбарлик ишларига кенг жалб этилган тақдирдагина социализмни муваффақиятли равишда қуриш мумкин. Шу сабабли Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг 1960 йил 4 октябрда Халқ палатасида қилинган программ баёнотида айтиладики, меҳнаткашларни давлат ва экономикага раҳбарлик қилишга жалб этиш қуруқ ваъдагина бўлиб қолмаслиги, балки социалистик ижтимоий тузумимизнинг ҳаётий масаласи бўлиши лозим.

Хитой раҳбарларининг турли ижтимоий тузумдаги мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши масаласига муносабати, шунингдек Африкадаги ёш, антиимпериалистик миллий давлатларга муносабати марксизм-ленинизм таълимотига ва халқаро тараққиётнинг амалий тажрибасига ҳам тамомила зиддир.

Марксизм-ленинизм заминида турган Совет Иттифоқи ҳам, Германия Демократик Республикаси ҳам, бошқа социалистик мамлакатлар ҳам империализмнинг агрессив табиатига заррача ҳам шубҳа қилмайдилар. Империализм социализмга нисбатан душман эканлигидан воз кечмайди, чунки социализм империализмнинг гўрковидир. Аммо, биз масалан, АҚШ ҳукумати социалистик мамлакатларга нисбатан душман бўлишига қарамай, уруш хавфини камайтирадиган битим ёки ўзаро келишув йўлларини қидириб топиш тарафдори бўлиб чиқишга мажбур бўлаётганлигидан кўз юма олмаймиз. Ахир, ядро уруши АҚШ учун ҳам ўз-ўзини ўлдириш бўлур эди-ку. Муайян империалистик доиралар ўз характерларининг принципиал равишда ўзгартирганликлари учун эмас, балки ўзларини сақлаб қолиш туйғуларига асосланиб, шундай хулосаларни чиқармоқдалар. Аммо бу хулосалар, зарур эҳтиёт чоралари кўрилгани ҳолда, халқаро кескинликни юмшатиш ва ядро уруши хавфини камайтириш йўлида яна қадам қўйиш имкониятини бермоқда.

Агар биз кейинги ҳафталардаги муҳим халқаро воқеага, Никита Сергеевич Хрушчевнинг Мисрга қилган визитига назар солар эканмиз, Хитой раҳбарларининг «бўлса ҳамма нарса бўлсин, бўлмаса ҳеч нарса бўлмасин» деган догматик ва сектантлик сиёсати эмас, балки КПСС ва Совет ҳукуматининг мустаҳкам иқтисодий ва сиёсий негизга таянувчи доно сиёсатигина мақсадга олиб боради, деб қайд қила оламиз. Никита Сергеевич Хрушчевнинг Мисрга қилган визити Совет Иттифоқи билан Миср ўртасида кейинги бир неча йил ичидагина умумий антиимпериалистик позиция асосида яхши дўстона ҳамкорлик ва ёрдам муносабатлари ривожланиб бораётганлигини, бу муносабатлар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бевосита иштирокчиларгагина эмас, балки барча социалистик мамлакатларга, шунингдек барча араб давлатларига ҳам катта фойда келтираётганлигини бутун дунёга кўрсатиб берди.

Агар бундан қарийб ўн йилгина илгари империалистик давлатлар араб халқларини ўзларининг традицион бўлиб қолган эксплуатация объекти деб ҳисоблаб келганликларини назарда тутиб, буни ҳозирги кундаги аҳвол билан, Никита Сергеевич Хрушчевнинг Мисрга қилган самарали визити ва Жазоир давлатининг атоқли арбоби Бин Белланинг Совет Иттифоқига қилган визити билан характерланган шу аҳвол билан таққослаб кўрганимизда, қадрли совет дўстларимиз, сизларга фақат шу сўзларни айта оламан: Германия Бирлашган социалистик партияси, Германия Демократик Республикасининг ҳукумати ва унинг гражданлари Совет ҳукуматининг араб мамлакатлари билан ва Африка қитъасидаги бошқа миллий давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишдан иборат доно ва вазмин сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар, чунки бу сиёсат марксизм-ленинизмни ижодий тарзда қўлланишга асосланади ва бу сиёсат турмушда яхши натижалар берди.

МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН

Германия Демократик Республикаси билан СССРнинг марксизм-ленинизмга содиқ эканликлари, асосий фикр ва идеалларимизнинг бир-бирига тўғри келганлиги ва шунингдек немис халқи миллий манфаатларининг Совет Иттифоқи ва унинг халқлари манфаатларига тўғри келганлиги, бу мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликнинг гаровидир.

Ғоят мароқли сафаримиз вақтида бир-бирларидан бир неча минг километрлаб узоқда яшаган неча минглаб кишилар бизга доим «тинчлик-дўстлик» сўзлари билан мурожаат қилдилар. Дарҳақиқат, тинчлик совет халқига нақадар керакли бўлса, немис халқига ҳам — мен бу ерда фақат ГДР гражданлари номидангина гапираётганим йўқ — шу қадар керак.

Мен ҳатто шу гапларни ҳам айтишни истар эдим:

Тинчликни таъминлаш немис халқи учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолди. Унинг маъноси шуки, замонамизнинг ана шу ҳал қилувчи масаласида Германия Демократик Республикасининг ва бутун немис халқининг миллий ҳаётий манфаатлари Совет Иттифоқининг ҳаётий манфаатлари билан жуда мосдир.

«Совуқ уруш» ва урушдан кейинги хатарли кескинлик ўрнини Европада мустаҳкам тинчлик олиши зарур эканлиги тўғрисида ҳам худди шу гапларни айта оламиз. Шу сабабли немис халқига сулҳ шартномаси керак. Иккинчи жаҳон урушидан қарийб 20 йил ўтганидан кейин ҳам Бонн ҳукуматининг талаби билан Ғарбдаги империалистик давлатлар сулҳ тузишдан ҳануз воз кечиб келмоқдалар. Совет Иттифоқи ҳам Германия билан сулҳ шартномаси тузишга интилмоқда, чунки у иккинчи жаҳон урушининг кули ичида қасддан чўғ ҳолида ҳануз сақланиб турган қолдиқларининг тугатилишидан ва турли ижтимоий тузумдаги халқлар ҳамда давлатларнинг узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик шароитида тотув яшашлари учун йўл очиб берилишидан манфаатдордир.

Немис халқи ўзининг равнақи учун экономика, маданият ва фаннинг стабиль юксалишидан манфаатдордир. Бу тараққиёт ўз навбатида, барча соҳаларда Совет Иттифоқи билан кўп томонлама ҳамкорлик қилиш ва меҳнат тақсимоти ривожланишини талаб этади. Бу эса ҳар иккала давлатга фойда келтиради. Бундан биз каби Совет Иттифоқи ҳам манфаатдордир. Немис халқи Совет Иттифоқи экономикаси ва маданиятининг равнақ топишидан манфаатдор бўлгани каби, Совет Иттифоқи ҳам тинчликсевар ва Демократик Германия экономикаси ва маданиятининг равнақ топишидан манфаатдордир. Бинобарин, немис халқининг миллий манфаатлари Совет Иттифоқининг манфаатларига мос эканлигини шу масалада ҳам кўриб турибмиз.

Бу гаплар ёппасига қуролсизланиш, ядро урушининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш, иқтисодий айирбошлашни «совуқ уруш»нинг ҳар қандай кишанлари ва ғовларидан, унинг камситиш сиёсати ва шу сингарилардан халос қилиш мақсадида халқаро шартномалар тузиш масалаларига ҳам тааллуқлидир.

Совет Иттифоқи герман империалистлари, милитаристлари, халқнинг сохта йўлбошчилари билан тинчликсевар немис халқини доим бир-биридан фарқ қилиб келди. Бу нарса Потсдам битимида ҳам ўз ифодасини топди. Потсдам битимида немис халқи келгусида империалистлар, милитаристлар ва фашистлар раҳбарлигида истиқболга эга бўла олмайди, деб очиқ айтилган.

Ғарб давлатлари ўзларини сақлаб қолиш манфаатларини кўзлаб гитлерчилар ҳукмронлигини тугатиш мақсадида Совет Иттифоқи билан иттифоқ бўлган эдилар, Гитлер ағдариб ташланганидан кейин улар Ғарбий Германияда реакцион кучлар ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрдилар. Улар Германияни парчалаб юбориш учун Ғарбий Германиядаги монополистик капитал вакиллари билан ва энг реакцион кучлар билан бирлашдилар. Улар ана шу йўл билан немис ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг бирлигига путур етказишлари керак эди, Ғарбий Германия эса Европада социализмга қарши курашнинг асосий базаси бўлиб қолмоғи керак эди. Германия бузғунчилари йирик капиталнинг синфий манфаатларига амал қилиб иш кўрдилар.

Бизнинг қаршилик кўрсатишимизга қарамай, сулҳ шартномаси тузиш ва Германияни қайта бирлаштиришга қаратилган таклифларимиз бўлишига қарамай, Бонн ҳукумати ва НАТО Германиянинг парчаланишини яна кучайтириб юборди. Эндиликда тинчликни таъминлаш учун ҳар иккала герман давлати ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришдан, қуролсизланишдан ва ғолиб давлатлар билан ҳар иккала герман давлати ҳукуматлари ўртасида сулҳ шартномаси тузишдан бошқа йўл йўқ.

Мен яқинда Ғарбий Германия ҳукуматининг бошлиғи профессор Эрхардга хат юбордим. Мен бу хатимда шундай фикрга асосландим: Биз, афтидан, урушдан кейинги даврнинг охирига яқинлашиб қолдик ва ана шу фактдан ҳар иккала герман давлатининг сиёсати тўғрисида зарур хулосаларни чиқариб олмоғимиз керак. Шу муносабат билан мен реванш сиёсатини давом эттиришга қарши Эрхард жанобларини қаттиқ огоҳлантирдим. Аденауэр шундай сиёсатни ўтказганлиги учун мағлубиятга учраган эди. Эрхард ҳам шундай сиёсатни ўтказиш билан муқаррар мағлубиятга учрайди. Ана шу реваншчилик сиёсати немис ерида ядро уруши хавфини туғдирмаганда, аҳвол нормал тус олган бўлур эди.

Халқлар, шу жумладан ҳар иккала герман давлатининг гражданлари ҳам ўз хотимасига яқинлашиб қолган урушдан кейинги давр яна уруш олдидаги даврга айланишини истамайдилар. Халқлар, шу жумладан ҳар иккала герман давлатининг гражданлари ҳам бутун инсониятнинг интилишларига мувофиқ, мустаҳкам тинчлик ва ишончли хавфсизлик бўлишини хоҳлайдилар.

Мен Эрхард жанобларининг эътиборини шу нарсага жалб этдим: Янги тарихий босқич тинч-тотув яшаш сиёсатини амалга оширишда ҳар иккала герман давлати ва уларнинг ҳукуматларининг самимий ва виждонан иштирок қилишлари ҳамда ҳамкорлик қилишларини талаб этади. Воқеаларнинг шу тариқа боришига қаршилик кўрсатаётган ва милитаризмга ҳамда реванш сиёсатига хизмат қилаётган Ғарбий Германия давлати ва Ғарбий Германия ҳукумати тинчликнинг абадий душманлари сифатида ўзларини тарихнинг лаънатига сазовор қилмоқдалар.

Шу муносабат билан мен Германияда тинчликни таъминлашга ва ақл-идрок ҳамда яхши ният билан иш кўриш асосида герман давлатларини бир-бири билан яқинлаштириш ва ҳамжиҳат бўлишларини таъминлашга қаратилган бир қанча конструктив таклифларни ҳам айтдим. Мен бугун таассуф билан шуни қайд қилишга мажбурманки, Бонн ҳукумати бу таклифларга яна салбий муносабатда бўлди ва герман давлатларини ҳамда уларнинг гражданларини бир-бирлари билан яқинлаштириш тўғрисидаги ҳар қандай фикрни ҳам рад этди. Шундай қилиб, Бонн Германияда ва бутун Европада кескинликни сақлаш ва кучайтиришдан манфаатдордир. Бонн ҳукумати ўтказиб келаётган сиёсатни ҳамжиҳатлик сиёсати ва Германияни бирлаштириш сиёсати эмас, балки кескинлик ва низоларни сақлаб қолишни кўзда тутган принципиал сиёсат дебгина аташ мумкин.

Ғарбий Германияда ҳукмронлик қилаётган ва милитаристларга ҳамда бошқа реваншчиларга таянаётган, Германияни икки марта жаҳон уруши гирдобига ташлаган монополистик капитал синфи ҳозирги тарихий бурилиш даврида ҳам герман халқининг манфаатларини ифода этишдан ожиз эканлигини исбот қилмоқда. Ишчилар синфининг деҳқонлар ва прогрессив интеллигенция билан иттифоқликдаги ҳукмронлиги Германиянинг тинч тараққиёти учун умид бағишловчи бирдан-бир куч ва шу билан бирга гарантия ҳамдир. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Германия Демократик Республикаси тарихий зарурат қонунларига мувофиқ ривожланди. Бу республикада ишчилар синфи тўла бирлашиб олгач, деҳқонлар, прогрессив интеллигенция билан ва меҳнаткаш аҳолининг бошқа табақалари билан мустаҳкам иттифоқ тузди. Бу ерда герман халқининг барча соғлом кучлари жипслашди. Ғарбий Германияда эса аксинча, фашизм ва унинг жиноятлари учун жавобгар бўлган монополистик капиталистлар, милитаристлар ва реваншчилар халқ орасидаги тинчликсевар ва прогрессив кучларнинг ишчилар синфи теварагига бирлашувига бу сафар ҳам тўсқинлик қила олдилар. Ғарбий Германия ишчилар синфи деҳқонлар билан ва прогрессив интеллигенция билан, шунингдек тинчлик ва демократия ғояларига самимий хайрихоҳ бўлган бошқа прогрессив кучлар билан иттифоқ бўлиб, бу вазифани ҳал этмоғи керак. Бу эса Ғарбий Германия ишчилар синфи зиммасига катта жавобгарлик юклайди.

Аденауэр ўзининг реваншчилик сиёсати барбод бўлиши натижасида истеъфо беришга мажбур бўлганидан кейин, мамлакатнинг ўзидаги ва чет эллардаги кўп кишилар Эрхард қўл остидаги янги ҳукумат тинчлик, ақл-идрок ва яхши ният сиёсати йўлига ўтиб олади, деб умид боғлаган эдилар. Афсуски, кейинги ойларда воқеаларнинг бориши шундай умид боғлаган кишилар хато қилганликларини кўрсатди. Эрхарднинг ҳукумат раҳбарлигига келиши Ғарбий Германия империализми агрессив реваншчилик сиёсатининг моҳиятини сира ҳам ўзгартирмади. Баъзи форма ва методларгина бирмунча ўзгартирилди. Эрхард ва унинг ҳукумати кейинги ҳафталарда реванш сиёсатини очиқдан-очиқ ёқлаб чиқди.

Модомики аҳвол шундай экан, Ғарбий Германия федерал канцлери Эрхард жанобларининг, мен тинчликка интилмоқдаман ва урушни хоҳламайман деб дадил даъво қилишга умуман журъат этаётганлигини фақат менгина эмас, бошқаларнинг ҳам тушуниши маҳол бўлса керак. Эрхарднинг ўзи бундан бир неча ҳафта илгари христиан демократик союзнинг съездида 1937 йилдаги чегараларни тиклаш ҳақидаги талабни илгари сурганидан кейин ва Эрхард ҳукуматининг бошқа аъзолари шармандали Мюнхен битимини (ана шу битим асосида Чехословакия парчалаб юборилган эди) немисларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш намунаси ва ўз кучини сақлаган халқаро ҳуқуқий ҳужжат, деб тасвирлаганларидан кейин Бонндаги ҳукмрон кучларнинг тинчлик тўғрисидаги ҳар қандай гаплари ҳақоратдан бошқа бир нарса бўлиши мумкин эмас.

Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси ва Совет Иттифоқи ўз мамлакатларига кириш учун Бонн ҳукуматига ва унинг гитлерчи генералларига йўл очиб беришларига ҳеч ким ишона олмайди-ку, ахир. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан тўғри ва оқилона фойдаланаётган, социализм қураётган ва изчил тинчлик сиёсатини ўтказаётган Германия Демократик Республикасининг ҳукумати ва гражданлари Бонн ва НАТОнинг ҳарбий этиги остида қолишга ташнадирлар ва қурол-яроғ ишлаб чиқараётган Ғарбий Германия монополияларининг эксплуатациясига дучор бўладилар, деган гапларга ҳам ҳеч ким ишона олмайди.

Очиғини айтаман, мен Ғарбий Германиядаги ҳукмрон доиралар ана шундай имконият бўлишига ишона оладиган калта фаҳм кишилардан эмас деб ҳисоблайман. Аммо бу гаплар Бонннинг тинчликсеварлик ҳақидаги ваъдалари қалбаки чақа ва сурбетларча алдамчиликдан иборат деган маънони англатади.

Ғарбий Германия реваншчилари Германия Демократик Республикасини Совет Иттифоқидан ва бошқа социалистик давлатлардан ажратиб яккалаб қўя оламиз деган умид билан ўзларига тасалли бермоқдалар. Эрхард жаноблари ҳам, унинг кабинетидаги бошқа аъзолар ҳам ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, ўзларининг шу мақсадлари тўғрисида ошкора гапирмоқдалар. Менинг фикримча, Эрхард жаноблари ва унинг ҳукумати, шунингдек уларнинг орқасида турган гўё христиан партияси келгуси йилда Ғарбий Германия бундестагига ўтказиладиган сайловнинг оқибатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун ана шундай бемаъни хаёллар ёрдами билан таъсир кўрсатмоқчи бўладилар.

Аммо биз ҳозирнинг ўзидаёқ Эрхард жанобларига, сизнинг бу мўлжалларингиз барбод бўлади, деб айта оламиз. Мен Ғарбий Германия федерал канцлери Эрхардга Совет Иттифоқи бўйлаб қилган дўстлик сафаримиз ҳақидаги материалларни, биз ишлаб чиққан дўстлик ҳақидаги шартнома текстини ва Совет Иттифоқида бўлишимиз ва олиб борган музокараларимизнинг натижалари тўғрисидаги қўшма ахборот текстини зўр эътибор билан ўрганиб чиқишни тавсия этаман. Бу нарса эҳтимол унга ва унинг ҳукуматига Германиядаги аҳволга ва Европадаги кучлар нисбатига реалроқ баҳо беришлари учун ёрдам этиб қолар.

ДЎСТЛИК, ЎЗАРО ЁРДАМ ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ АҲАМИЯТИ

Немис халқи билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгариёқ илдиз отган эди. Аммо ўша даврда немис ишчилар синфининг бир қисмигина Совет Иттифоқи билан бирдам бўлиб, ёш Совет ҳокимиятини зўр қатъият ва фидокорлик билан ҳимоя қилиб чиқди.

Ҳозирги кунда Германия Демократик Республикаси ишчилар синфининггина эмас, балки деҳқонлар, прогрессив интеллигенция ва меҳнаткашлар бошқа табақаларининг ғоят кўпчилигининг ҳам қалби Совет Иттифоқига нисбатан самимий дўстлик туйғулари билан тўлиб тошган. Улар қардошларча ҳамкорлигимизни ривожлантиришда актив қатнашмоқдалар.

Ҳозирги вақтда бизнинг мустаҳкам дўстлигимизнинг баъзи янги томонлари пайдо бўлди. Дўстлигимизнинг мазмуни Совет Иттифоқининг ҳам, Германия Демократик Республикасининг ҳам ривожланиши, шунингдек социализм ва коммунизмнинг тараққиёти билан бойиди. Масалан, ҳозирги вақтда мустаҳкам традиция бўлиб қолган Герман—Совет дўстлиги фан ва техника, маориф ва илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ҳам ўз ичига олади.

Совет Иттифоқи ҳозир коммунизм қурмоқда. Германия Демократик Республикаси эса социализм қурилиши кенг авж олдирилган босқичда турибди. Аммо биз фан ва техниканинг юксак даражасига эришиш, социалистик таълимнинг ягона системасини ривожлантиришга тааллуқли проблемаларимизни бир хил асосда ва бир-бирига жуда ўхшаш методларни қўлланиб ҳал этмоқдамиз. Шундай қилиб, бу соҳаларда ҳам тажриба айирбошлаш ҳар иккала томонга фойда ва наф келтиради.

Совет Иттифоқи бўйлаб қилган ва эсда қоладиган дўстлик сафаримизнинг ва шу муносабат билан олиб борилган музокараларнинг асосий якуни шу бўлдики, биз ўзаро келишиб, «Германия Демократик Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома»ни туздик. Бу Шартнома ғоят катта миллий ва халқаро аҳамиятга эгадир. Бу Шартнома давлатларимиз ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни кенгайтиради ва мустаҳкамлайди, айни вақтда Европа хавфсизлигининг асосий омилларидан бири сифатида Германия Демократик Республикаси чегараларининг дахлсизлигини мустаҳкам суратда гарантиялайди. Шартномага мувофиқ, томонлар Ғарбий Берлинни мустақил сиёсий бирлик деб қараш мажбуриятини оладилар. Ғарбий Берлин Ғарбий Германия Федератив Республикасининг сира ҳам бир қисми эмас ва Ғарбий Германия Федератив Республикасининг компетенцияси Ғарбий Берлинга нисбатан жорий қилинмайди. Варшава шартномасига мувофиқ, бу Шартнома Европада аҳдлашган томонларнинг бирига бошқа бирон давлат ёки давлатлар группаси ҳужум қилган тақдирда унга дарҳол ёрдам кўрсатишни кўзда тутади. Бундай ҳолларда кўрилган тадбирлар ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига хабар берилади.

(Охири тўртинчи бетда).

ЎРТОҚ В. УЛЬБРИХТ НУТҚИ

(Боши учинчи бетда)

Шартнома Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг принципларига мувофиқ, ҳар иккала давлат ўртасида иқтисодий, илмий ва техника алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни кўзда тутади. Халқаро социалистик меҳнат тақсимоти принципларига мувофиқ, халқ хўжалиги планларини координациялаш амалга оширилади ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда кооперативлаштириш ривожлантирилади. Ҳар иккала давлат миллий экономикасини яқинлаштириш ва координациялаш йўли билан энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш таъминланиши лозим.

Шартноманинг муддати дастлаб 20 йил қилиб белгиланди. Шу муддат ўтишидан бир йил олдин Шартнома бекор қилинмаган тақдирда, унинг муддати ўз-ўзидан кейинги ўн йилга узайтирилади. Бунинг маъноси шуки, Дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома Германия Демократик Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги муносабат ва ҳамкорлик доираларини аввало 1984 йилгача, шундан кейин эса 1994 йилгача мўлжаллаб белгилайди.

Ягона, демократик ва тинчликсевар герман давлати вужудга келган тақдирда ёки герман сулҳ шартномаси тузилган тақдирда, дўстлик ҳақидаги шартнома аҳдлашувчи томонлардан ҳар бирининг истагига мувофиқ, 20 йиллик муддат ўтганига қадар қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Бу эса бизнинг миллий сиёсатимизга, шунингдек ижтимоий системалари бир-бирига зид бўлган икки мустақил давлатда яшовчи немисларнинг алоҳида аҳволини Совет Иттифоқи ҳукуматининг чуқур тушунишига мос келади. Бунда шартномада ҳар иккала суверен герман давлати ўртасида тенг ҳуқуқли музокаралар олиб бориш ва ҳамжиҳатлик йўли билангина ягона тинчликсевар демократик герман давлатини тузишга эришиш мумкин, деб очиқ-равшан айтилган фикрни таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Шартноманинг ана шу қоидалари (бу қоидалар унинг тўлиқ мазмунини баён қилмайди, албатта) Шартноманинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун кифоядир. Биз Дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани тузиш юзасидан музокаралар олиб борган пайтда Никита Сергеевич Хрушчевнинг ленинча тинчлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб немис халқининг миллий манфаатларини ва герман масаласини тинч ҳал этиш йўлидаги курашнинг хусусиятларини ғоят чуқур англаб, Дўстлик ҳақидаги шартнома тузилишига актив ёрдам берганлигини сидқидил билан табриклаймиз.

Дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома Германияда ва Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилади. Бу Шартнома Германия Демократик Республикаси ва СССР гражданларинингина эмас, балки, биринчи навбатда, Ғарбий Германия давлати гражданлари тинч ҳаётининг ҳам хавф-хатарсиз бўлишини таъминлайди, чунки Бонн ҳукуматининг авантюристик реваншчилик сиёсати Ғарбий Германия давлати гражданлари учун айниқса хатарлидир.

Бу шартнома Варшава шартномасининг қоидаларига мувофиқ бўлиб, биргаликда белгиланган сиёсий йўл стабиль ва самарали бўлишининг қўшимча элементидир.

Бу шартнома герман давлатларининг биргаликда тинч ҳаёт кечириши учун ва Германияда ҳамда Европада тинч-тотув яшашни таъминлаш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Шартнома Ғарбий Германия милитаристларининг реваншчилик сиёсатини бартараф қилишга ва герман давлатлари ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам беради.

Бу шартнома ақл-идрокка ва рад этиб бўлмайдиган тарихий фактларга хилоф суратда биз Германия Демократик Республикасини социалистик давлатлардан ажратиб, яккалаб қўя оламиз ва хусусан, биринчи герман ишчи-деҳқон давлати билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга нифоқ сола оламиз, деган хом хаёллардан воз кечишни истамаётган ғарбий герман реваншчи сиёсатдонларини ҳар қандай умидларидан маҳрум этади.

Шартнома Германияда яқинлашиш ва ҳамжиҳатлик тўғрисидаги гапларни шу вақтгача эшитишни ҳам хоҳламаган ғарб немисларини ҳам Германия Демократик Республикаси билан нормал муносабатлар ўрнатиш муқаррар эканлиги тўғрисида ўйлаб кўришга мажбур этади. Шу маънода гапирганда, Совет Иттифоқи билан Дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома Ғарбий Германиядаги масъул сиёсатдонларни ҳушёр қилиш учун зарур бўлган муайян вақт ўтганидан кейин ҳар иккала немис давлатини яқинлаштиришга ва Германиянинг парчаланган ҳолда бўлишини аста-секин бартараф қилиш йўлидаги ҳаракатларга ёрдам бериш имкониятини ҳам туғдиради. Германияни бирлаштириш соҳасида илгари қўйилган ҳар қандай қадам пировард натижада ҳар иккала герман давлатининг миллат учун тинчликнинг ҳамма масалалари юзасидан тўла тенг ҳуқуқлилик асосида яқинлашуви, бирлашувини ва ниҳоят, Германиянинг парчаланган ҳолда бўлишига барҳам берадиган дастлабки чоралар тўғрисида келишиб олишларини кўзда тутади.

Шу муносабат билан мен АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларига яна мурожаат қилиб, уларни Ғарбий Германия давлати ҳукуматининг Германия Демократик Республикаси билан муносабатлар тўғрисида музокаралар олиб боришига имкон бермайдиган Париж битимлари қоидаларидан Ғарбий Германия Федератив Республикасини халос қилишга ва Германиянинг парчаланган ҳолда бўлишига барҳам бериш чораларини кўришга даъват этишни истар эдим. Париж битимларининг қоидалари ҳозирги замонга тўғри келмаётганлиги яққол кўриниб турибди. Бу битимлар «совуқ уруш»нинг разил сарқитларидир ва бу сарқитлар урушдан кейинги даврдан Европада мустаҳкам тинчликка ўтилиши билан мумкин қадар тезроқ йўқ қилиб юборилиши керак.

Мен Ғарбдаги уч давлат ҳукуматларига мурожаат қиламан: Сизлар Германия Демократик Республикасининг ва Ғарбий Германиядаги кўп гражданларнинг тенг ҳуқуқли музокаралар асосида ягона тинчликсевар демократик Германияни барпо қилиш йўлларини биргаликда қидириб топишларига бундан буён халақит бермангиз. Ғарбий Германияни Париж битимларининг шармандали ана шу қоидаларидан халос қилингиз.

Германия Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида тузилган Дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома бутун дунёда стабиллик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шундай қилиб, бу шартнома барча халқларнинг манфаатларига муносибдир. Шартнома Ғарбий Германия Федератив Республикасининг афтидан, ғарбий герман реваншчиларининг низолар сиёсатига тортилиш ва ҳатто эҳтимол, жаҳон термоядро уруши гирдобига тушиб қолиш хавфига унча катта аҳамият бермаётган иттифоқчиларининг манфаатларига ҳам муносибдир.

Шартнома, ниҳоят, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг руҳига мувофиқ бўлиб, бу Уставга тўғридан-тўғри асосланади.

Шартнома урушдан кейинги давр тамом бўлаётганлиги фактини тўла эътиборга олади. Шартноманинг ўзи урушдан кейинги давр ўрнини босадиган мустаҳкам тинчликнинг муҳим қисми бўлиб қолади.

Ғарб давлатлари ўзларининг НАТОдаги шериги Бонннинг қистовига мувофиқ шу вақтгача герман сулҳ шартномасининг тузилишига ҳалақит бериб келдилар. Бу шартнома ҳақиқий аҳволга мувофиқ, ҳар иккала герман давлати билан тузиладиган сулҳ шартномасигина бўлиши мумкин. Замонамизнинг тинчлик йўлидаги қудратли ҳаракатига хилоф суратда, Бонн урушдан кейинги даврни ҳаддан ташқари узайтириб юборишга интилмоқда. Шу сабабли, халқлар Бонндан чиққан ва осойишталикни бузаётган кишилар тўғрисида тобора кўп гапирмоқдалар. Бонн ўзининг реваншчилик сиёсати манфаатларини кўзлаб, урушдан кейинги даврнинг хатарли вазиятини бундан буён ҳам сақлаб қолишни истар эди. Аммо Ғарбий Германия ҳукумати халқларнинг манфаатларига тобора зид бўлиб қолмоқда. Халқларнинг ғоят кўпчилиги тинчлик ва хавфсизликнинг мустаҳкамланишидан астойдил манфаатдордир. Халқлар урушдан кейинги давр кетидан яна уруш арафасидаги давр келишидан эмас, балки мустаҳкам тинчлик бўлишидан астойдил манфаатдордирлар. Дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Германия Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида тузилган шартнома тинчликсевар халқларнинг ана шу ниятларига жавоб беради, чунки бу шартнома Европанинг энг хатарли жойларидан бирида, ижтимоий системалари бир-бирига зид бўлган ҳар иккала герман давлати туташган жойда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига яхши ҳисса қўшади.

ҲАР ИККАЛА ГЕРМАН ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИСИДА

Ҳар иккала герман давлатининг аҳволига қандай баҳо беришимиз мумкин ва улар ўртасидаги муносабатлар келгусида қандай бўлиши лозим?

Бу йил Германия Демократик Республикаси ўзи тузилган куннинг 15 йиллигини байрам қилади. Шу тарихан қисқа муддат ичида у ривожланишнинг муҳим босқичларини босиб ўтди. Урушдан кейинги антифашист-демократик тузум негизида мустаҳкам ишчи-деҳқон ҳокимияти социалистик давлат ўсиб етишди ва у Европада тинчликни таъминлаш учун курашда муҳим роль ўйнамоқда.

Давлат тузумимизнинг мустаҳкамлиги социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ғалабасига асосланади. Ҳозирги кунда Германия Демократик Республикасидаги жамики саноат маҳсулотининг ўндан тўққиз қисмидан кўпроғи халқ корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг қолган қисми давлатнинг иштироки билан ишлаётган майда ва ўрта корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда бу корхоналарнинг эгалари биз билан бирга социалистик ривожланиш йўлига киришга қарор қилдилар.

1961 йилга келиб барча деҳқонлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларида бирлашдилар. Кооперативлашган деҳқонларнинг меҳнатдаги ғайрати туфайли, уларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларида замонавий техникадан рационал фойдаланиш маҳоратлари туфайли Германия Демократик Республикасида 1961 йилда ҳосил унмай қолганлигининг оқибатларини тезроқ тугатишга муваффақ бўлдик.

Халқ ва кооператив корхоналари ишлаб чиқараётган товарларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи чакана савдо йўли билан сотилмоқда.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съезди бу ва бошқа фактларга баҳо бериб, 1963 йилнинг бошидаги вазиятни анализ қилиб, Германия Демократик Республикасида социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари батамом ва узил-кесил ғалаба қилди, деб тўла ҳақли равишда қайд қила олди. Бу — Германияда марксизм-ленинизм ишининг, халқ ишининг буюк тантанасидир. Бизнинг Германия Бирлашган социалистик партиямиз шу билан фахрланадики, у, Германия Демократик Республикасида капитализмдан социализмга ўтишнинг мураккаб проблемаларини блок партиялари ва Миллий фронт билан иттифоқ бўлиб, қадамба-қадам, шошқалоқлик қилмай, «катта сакрашлар» қилмай, лекин шу билан бирга фурсатни қўлдан бермай, изчил равишда ҳал қилмоқда.

Партиямизнинг, ҳукуматимизнинг ва Демократик Германия Миллий фронтининг қатъий ва изчил сиёсатигина Германия Демократик Республикаси гражданларининг ўз давлатига ишончини мустаҳкамлашни таъминлади. Бу ишонч ва шу ишонч туфайли ишлаб чиқаришда ҳамда бутун ижтимоий ҳаётда меҳнаткашлар кўрсатаётган ташаббус Ғарбий Германия монополистлари ўтказаётган совуқ иқтисодий ва психологик урушда уларни мағлубиятга учратишга имкон берди.

Чунончи, Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съезди Германия Демократик Республикасида социализм қуришни авж олдиришни эндиликда навбатдаги вазифа қилиб қўйишга муваффақ бўлди.

Мана шу янги катта вазифаларни ҳал қилиш Ғарбий Германия империализмига ва реваншизмга қарши курашимизда муваффақият қозонишга ёрдам беради. Германия Демократик Республикасининг намунаси Ғарбий Германиянинг меҳнаткашларига катта таъсир ўтказмоғи учун, биз уларнинг машаққатли курашига яхшироқ ёрдам бера олишимиз учун бу муваффақиятларнинг аҳамияти жуда катта.

Германия Демократик Республикасида социализм қуришни авж олдириш;

миллий экономикани ривожлантира бериш ва, аввало халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини тез ривожлантиришга эришиш демакдир;

социалистик демократияни ривожлантира бериш ва меҳнаткашлар ўртасидаги янги социалистик муносабатларни чуқурлаштира бериш демакдир.

ҳамма меҳнаткашларни маориф ва маданиятдан баҳраманд қилиш ҳамда ягона социалистик маориф системасини вужудга келтириш, демакдирки, ўн йиллик политехника ўрта мактаби бу системанинг энг муҳим звеносидир.

Германия Демократик Республикасида социализм қуришни авж олдирмоқ учун ҳал қилувчи нарса нима? Энг юқори илмий-техникавий даражага кўтарилиш ва техника революциясини амалга ошириш биз учун ҳал қилувчи нарсадир. Бу асосий вазифадир. Бошқа вазифаларнинг ҳаммаси ана шу вазифадан келиб чиқади. Масалан, мактабда, олий мактабда ёш авлодни 2000-йилнинг вазифаларини уддалай оладиган қилиб, шунга яраша касбларда ишлашга тайёрлаш сингари вазифа шундан келиб чиқади.

Бу асосий вазифани муваффақиятли ҳал этмоқ учун биз Германия Демократик Республикасида халқ хўжалигини планлаштиришнинг ва унга раҳбарлик қилишнинг янги иқтисодий системасини вужудга келтирдик. Маълумки, янги давлат ҳокимиятини вужудга келтириш ва социалистик демократия принципларига мувофиқ бутун ижтимоий ва хўжалик ҳаётига раҳбарлик қилиш ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва интеллигенция учун энг қийин вазифа эканлигини Ленин кўрсатиб ўтган эди. Ҳозирги кунда ҳам, ишлаб чиқаришни шунчаки кўпайтира беришнинг ўзи ортиқ кифоя қилмайдиган бўлиб қолган; илмий-техникавий тараққиётни эгаллаш, яъни меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини авж олдириш йўли билан шу тараққиётни эгаллаш тобора катта роль ўйнаётган даврда ҳам Ленин берган бу кўрсатманинг аҳамияти бор. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигини планлаштириш ва унга раҳбарлик қилиш энг юқори илмий-техникавий даражага эришишни таъминлайдиган мана шу талабларга жавоб бериши лозим. Мана шуни тушуниб туриб, биз янги иқтисодий система ёрдами билан социализмнинг иқтисодий қонунларидан шу вақтгача бўлганига қараганда яхшироқ фойдаланишга, перспектив планлаштиришнинг (аввало саноатдаги етакчи тармоқларни комплекс ривожлантириш соҳасидаги) ролини кучайтиришга, меҳнаткашларни — айниқса тадқиқотлар ва ривожланишнинг энг яхши натижаларини ишлаб чиқаришга тез жорий қилишда — моддий манфаатдор қилиш принципини систематик равишда татбиқ этишга, шунингдек хўжалик раҳбар кадрларининг масъулиятини ва мустақиллигини оширишга интилмоқдамиз. Бу — катта идеологик ва тарбиявий ишни ўз ичига олган вазифалардир.

Фан ва техникани ривожлантириш, шунингдек техника революциясини амалга ошириш жаҳон империалистик системаси билан тинч иқтисодий мусобақанинг асосидир. Асримизнинг иккинчи ярмида, аввало фан ва техникани эгаллаш туфайли меҳнат унумдорлигини энг кўп миқдорда оширишга эришилади. Катта корхоналарни ва аввало Академиянинг Сибирь бўлимини бориб кўришимиз натижасида ядро энергиясини эгаллаш нақадар катта роль ўйнаётганлиги, электроника, нефть химияси, ўлчаш техникаси, бошқариш ва идора қилиш техникаси, шунингдек автоматлаштириш ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантирмоқ учун нақадар муҳим эканлиги бизга жуда яққол аён бўлиб қолди. Меҳнат унумдорлигини ошириш нақадар муҳим эканлигини Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съездида Никита Сергеевич Хрушчев Германия Демократик Республикасининг ишчиларига ҳар бир киши англайдиган сўзлар билан тушунтириб берганлиги маълум. Германия Демократик Республикасининг ишчилари бу сўзларни унутганлари йўқ ва келгусида ҳам унутмайдилар. 1963 йилда биз ҳам меҳнат унумдорлигини товарлар ишлаб чиқаришининг кўпайишига қараганда тезроқ оширдик. Бу нарса шунинг учун ҳам аҳамиятлидирки уруш оқибати натижасида ишчилар сони тағин ҳам кўпроқ камайиб кетган эди. Лекин шундай бўлса ҳам бу муваффақиятлар бизни ҳали қаноатлантирмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари бизни ҳали ҳам қониқтирмайди. Ғарбий Германия концернлари меҳнат унумдорлиги даражаси жиҳатидан Германия Демократик Республикасидаги халқ корхоналари бирлашмаларидан ҳали ҳам анча юқори поғонада турибди. Механизация ва автоматизацияни, тадқиқотлар ва ривожланишни янада амалга ошириш мақсадида биз Германия Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқининг ҳар томонлама ва яқиндан ҳамкорлик қилишларидан ҳам манфаатдормиз.

Германия Демократик Республикасини ривожлантиришдаги энг муҳим жиҳатларни мен сизларга бу ерда қисқача гапириб бердим.

Монополистик капитал ҳукмронлик қилаётган Ғарбий Германияга қарши олиб бораётган курашимизга баҳо бермоқ учун шуни эслаб ўтиш аҳамиятлидирки, территорияси Германия Демократик Республикасининг территориясидан икки баравар катта бўлган ва анча катта саноат базасига эга бўлган Ғарбий Германия иқтисодий жиҳатдан бизга қараганда кучлироқдир.

Капиталистик мамлакатларнинг жамики саноат ишлаб чиқаришида Ғарбий Германиянинг ҳиссаси 8,9 процентни ташкил қилади ва у, АҚШдан кейин иккинчи ўринни олиб турибди. Капиталистик жаҳон савдосида Ғарбий Германиянинг ҳиссаси 10,7 процентни ташкил қилади. Европа иқтисодий ҳамжамиятида Ғарбий Германия ҳукмронлик мавқеини эгаллаб олганлиги, масалан, шундан кўриниб турибдики Ғарбий Германия саноат институтларидан бирининг маълумотларига қараганда, Ғарбий Германия экономикаси Европа иқтисодий ҳамжамиятдаги жамики саноат маҳсулотининг 43 процентини бераётир. Ваҳолонки, бу соҳада Франциянинг ҳиссаси 30 процентни, Италиянинг ҳиссаси эса фақат 16 процентни ташкил қилади. Монополистик капитал концентрациялашиб бораётганлиги натижасида Ғарбий Германия саноат ишлаб чиқаришининг Европа иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги ўзига хос салмоғи тағин ҳам кўпроқ ошиб бормоқда. Европа иқтисодий ҳамжамиятидаги 43 катта концерннинг 22 таси Ғарбий Германияникидир. Европа иқтисодий ҳамжамиятидаги энг катта ўнта концерннинг 8 таси Ғарбий Германияда.

Европа иқтисодий ҳамжамиятида Ғарбий Германиянинг мана шундай иқтисодий ҳукмронлик мавқеи унинг НАТОдаги ҳарбий позицияларини анча кучайтирмоқда. Чунончи, Бонннинг реваншчи сиёсатчилари НАТО қуролли кучларига раҳбарлик қилишда Бонннинг иштирокини анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Ҳозирги вақтда НАТО штабларида Ғарбий Германиянинг 21 генерали, 53 полковниги ва 242 штаб офицери ишламоқда, буларнинг ҳаммаси гитлерчилар вермахти мактабини ўтган ва кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам нацистлар идеологиясига содиқ бўлиб қолган кишилардир.

Шу сабабли, биз ТАССнинг 1964 йил 8 мартдаги баёнотида, Европада тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб, Ғарбий Германия Федератив Республикасининг саноатини текшириб чиқиш ва бу саноатда ҳарбий ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражасини аниқлаб олиш зарур эди, деб қўйилган талабни қувватламоқдамиз. Чунки АҚШга ва бошқа империалистик мамлакатларга заказлар бериш йўли билан ўзининг ҳарбий ишлаб чиқаришини секинлаштиришга Ғарбий Германия ҳукуматининг дастлабки пайтда кўрсатган мойиллиги жуда вақтинча характерга эга иш бўлди, холос. Ҳарбий ишлаб чиқариш, шунингдек шартномаларга мувофиқ Ғарбий Германияда ишлаб чиқаришга рухсат этилмаган қурол-яроғ турларини ясаш тез суръатлар билан кенгайтирилмоқда.

Бироқ, Ғарбий Германиянинг иқтисодий кучига ва унинг НАТО доирасидаги ҳарбий интилишларига қарамай, биз шуни назарда тутишимиз керакки, Ғарбий Германия ижтимоий тартиб соҳасида Германия Демократик Республикасига нисбатан орқада турибди. Бундан ташқари, Ғарбий Германияда турмуш ҳарбийлаштирилаётганлиги таълим-тарбия системасига ҳалокатли таъсир ўтказмоқда. Халқнинг ҳаётий манфаатлари монополистларнинг кўпроқ фойда олиш манфаатларига бўйсундирилганлиги бу ҳолатни йўқотишга тўсқинлик қилмоқда.

Бинобарин, кўз-кўз қилинаётган бойлик ва ҳарбий кучни рўкач қилиб, авантюристларча мақтаниш кўзни чалғитадиган ва жуда юзаки бир ҳолдир. Бу ҳолнинг ўзи аҳволни асло белгилаб бермайди.

Равшандирки, бундай шароитда ҳар иккала герман давлатида кўпгина мураккаб проблемалар пайдо бўлмоқда.

Хўш, Германия Демократик Республикаси билан Ғарбий Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар келгусида қай тарзда ривожланиши лозим? Ўз-ўзидан равшанки, нормал муносабатларни ўрнатиш оддий иш бўлмайди, чунки ҳозирги Бонн ҳукумати ҳар қандай яқинлашишни ва музокараларни, Германия Демократик Республикаси билан ҳар қандай ҳамжиҳатликни рад қилмоқда. Бонн ҳар қандай мантиққа зид бўлган аҳмоқона назарияга амал қилмоқда. Бу назарияга кўра, Герман давлатларининг бирбири билан муносабатларига доир масала устида музокаралар олиб бориш ва қарорлар қабул қилиш ваколати Герман давлатларининг ҳукуматларига ёки парламентларига эмас, балки иккинчи жаҳон урушидан енгиб чиққан тўрт давлатнинг ўзигагина берилган эмиш. Бундан ташқари, шу нарса маълумки, Бонн, Германия Демократик Республикаси бутунлай йўқ деб даъво қилмоқда. Бонндаги масъул сиёсатчилар бемаъни даъволар ва назариялар тўрига шу қадар чувалиб қолганларки, уларнинг бу чигалдан қандай қилиб чиқиб олишларини ҳатто тасаввур қилиш қийин эканлигини кўриб турибмиз.

ҲАР ИККАЛА ГЕРМАН ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТИ

Шу сабабли, шу нарса муқаррарки, герман давлатлари ўртасидаги муносабатларни нормаллаштирмоқ учун дастлаб баъзи бир асосий шарт-шароит вужудга келтирилиши лозим бўлади. Муносабатларни нормаллаштиришда атом билан қуролланиш энг жиддий ғов бўлиб турибди. Шу сабабли, мен Бонн ҳукуматининг бошлиғи жаноб Эрхардга юборган мазкур мактубимда қуйидагиларни таклиф қилдим:

Ғарбий Германия ҳукумати ва Германия Демократик Республикасининг ҳукумати мустақил баёнотлар формасида ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

ўз территорияларида ҳам, бошқа давлатларнинг территориясида ҳам мустақил равишда ёки четдан олинган ёрдам билан ядро қуролини ишлаб чиқармайдилар;

ядро қуролини ёки уни ясашга керакли ишлаб чиқариш ёхуд илмий тадқиқот ҳужжатларини сотиб олмайдилар ва текинга ҳам олмайдилар;

бавосита ёки бевосита, учинчи мамлакат ёхуд мамлакатлар группаси орқали мустақил равишда ёхуд бошқа давлатлар билан иттифоқ бўлиб ядро қуролига хўжайинлик қилиш ҳуқуқини олишга ҳеч бир формада интилмайдилар;

ядро қуроли синовларини ўтказишда ҳеч бир шаклда қатнашмайдилар;

ўз территорияларида ҳар қандай турдаги ядро қуролини жойлаштирмайдилар ва учинчи мамлакатнинг ёки мамлакатлар группасининг ядро қуролини ҳар иккала герман давлати территориясида жойлаштиришга йўл қўймайдилар;

ўзлари, учинчи мамлакат орқали ёки мамлакатлар группаси орқали ядро қуролини ҳеч қачон қўлланмайдилар;

Немис халқини ва унинг қўшниларини ядро урушидан муҳофаза қилиш энг зарур вазифа эканлигини тушуниб, мен жаноб Эрхардга бундай баёнотнинг бошқа ҳар қандай лойиҳасини қабул этишни ва кўриб чиқишни ҳам таклиф қилдим.

Ғарбий Германия ҳукуматининг ядро қуролига хўжайинлик қилиш ҳуқуқини олишга қаратилган сиёсати Ғарбий Германия аҳолиси катта кўпчилигининг манфаатларига, ҳеч шак-шубҳасиз, мос бўлиб тушмаётганлиги сабабли, сўнгра мен Ғарбий Германия ҳукумати, Ғарбий Германия бундестагининг ва ўлкалардаги парламентларнинг депутатлари сиёсий партияларнинг, касаба союзларининг, хотин-қизлар ташкилотларининг, деҳқонлар ва ёшлар иттифоқларининг раҳбарлари қуйидаги уч масалага доир ўз позицияларини очиқ айтсинлар деб талаб қилдим:

1. Савол: Сизлар ҳар қандай формадаги атом қуролидан воз кечишни, босқичма-босқич қуролсизланишни, шу жумладан тегишли контроль ўрнатиш чораларини ва ҳар иккала герман давлатида қуролланишга бўлаётган харажатларни қисқартиришни талаб қиласизларми?

2. Савол: Сизлар ҳар иккала герман давлатининг ва Ғарбий Берлиннинг миллат бўлиниб қолганлигини тугатиш ва ягона тинчликсевар Германия давлатини вужудга келтириш мақсадида ҳамжиҳатлик қилишини ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишини талаб қиласизларми?

3. Савол: Сизлар миллат бўлинганлигини йўқотиш манфаатларини кўзлаб, Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг ва Федератив Республика бундестагининг вакилларидан паритет асосда герман кенгаши тузиш йўли билан ҳар иккала герман давлатининг ва Ғарбий Берлиннинг ҳамкорлик қилишини ва бир-бирига аста-секин қўшилиб кетишини талаб қиласизларми?

Ҳар иккала герман давлатида аҳоли мана шу уч масалани муҳокама қилмоқда.

Бироқ, Бонндаги ҳукумат ўзининг реваншчилик сиёсатини активлаштирмоқда. Бу сиёсат бутун немис халқи номидан гапириш ҳуқуқини олишни даъво қилишда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бонннинг бундай қилишга ўзини танҳо ҳақли қилиб кўрсатишга интилаётганлигининг икки жиҳати бор: у «Хальштейн доктринаси» формасида Германия Демократик Республикасига қарши қаратилган даъводир.

Иккинчи жаҳон уруши натижасида вужудга келган территориал ўзгаришларни тан олмаслик формасида бу даъво фақат Германия Демократик Республикасига қарши қаратилган даъво бўлиб қолмай шу билан бирга, Совет Иттифоқига, Польша Халқ Республикасига қарши қаратилган даъво ҳамдир ва Бонн ҳукумати вакилларининг Мюнхен битимини оқлашга уринаётганликлари бу даъвонинг Чехословакия Социалистик Республикасига ҳам қарши қаратилганлигини кўрсатиб турибди. Шундай қилиб, бу даъво Ғарбий Германия Федератив Республикасининг реваншчиликдан иборат бўлган территориал талабларини яққол намойиш қилмоқда.

Шу муносабат билан мен қуйидаги бир нарсани кўрсатиб ўтмоқчиман. Реваншчиликдан иборат бўлган бу территориал даъволар Ғарбий Германия министрларининг ва парламет депутатларининг шовинистик нутқларидагина изҳор қилинаётгани йўқ. Бу даъволар Ғарбий Германиянинг қонунларига ҳам киритилган. Масалан, Ғарбий Германиянинг 1962 йил 1 январда кучга кирган таможня қонунида ва шу қонун асослаб ёзилган расмий изоҳда фақат Германия Демократик Республикасига ва Ғарбий Берлинга нисбатан эмас, шу билан бирга Польша Халқ Республикасининг ва Совет Иттифоқининг ғарбий областларига нисбатан ҳам давлат-ҳуқуқий даъволар илгари сурилади.

Ғарбий Германиянинг янги жиноят кодексида реваншчилик сиёсати тағин ҳам сурбетлик билан ифодаланди. Ғарбий Германиянинг мана шу янги жиноят кодекси амал қиладиган доирани таърифламоқ учун «мамлакат территорияси» деган тушунчага, яъни лўндароқ қилиб айтганда «Федератив Республика» деган тушунчага қуйидагича расмий изоҳ берилган. Мен кодекснинг шу жойини ўқиб бераман.

«Мавжуд халқаро-ҳуқуқий қоидага мувофиқ, мамлакат территорияси жиноят кодекси амал қиладиган территориал соҳага кирган областлардан ташқари, бу кодекс амал қиладиган доирадан ташқарида бўлган областларни ҳам ўз ичига олади. Германиянинг совет оккупация зонаси, Берлиннинг совет сектори ва Германия империясининг 1937 йил 31 декабрдаги чегараси доирасида бўлган, ҳозирги вақтда чет давлатлар идора қилиб турган бошқа областлари шулар жумласидандир».

Шундай қилиб, Ғарбий Германиянинг реваншчи сиёсатчилари «мамлакат территорияси» деган тушунчанинг мисли бўлмаган таърифини ўйлаб чиқардилар ва шу тариқа Ғарбий Германия қонунларини ва Ғарбий Германиянинг суд юритиш қоидаларини Германия Демократик Республикасининг гражданларига, шунингдек Халқ Польшасининг гражданларига ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг гражданларига жорий қилиш «ҳуқуқи»ни ўзларига ўтказиб олдилар.

Германия Демократик Республикасининг тинч гражданлари Ғарбий Германия давлатида тюрьмага қамаб қўйилиб, судга тортилганлиги бу таъриф Бонн реваншчилари ва фашистлари учун фақат қоғоздагина қолмаётганлигини исботламоқда. Улар Германия Демократик Республикасининг тинч гражданларини, масалан, Ғарбий Германия Федератив Республикасининг тинчлик ишига душманликдан иборат сиёсатини Германия Демократик Республикасининг газетасида ёки радио орқали танқид қилганликлари учун қамаб қўйдилар. Ғарбий Германия реваншчилик сиёсатининг манманлик касалига мубтало бўлган намояндалари, шундай қилиб, бутунлай ақлдан озиш даражасига бориб етдилар.

Германия учун энди қандай йўл бор? Мен шундай деб ҳисоблайманки, ҳар иккала герман давлати бир-бирларининг тенг ҳуқуқли бўлиб яшашларини, ниҳоят, ҳеч сўзсиз, эътироф қилишлари ва тенг ҳуқуқли музокаралар олиб бориб, биргаликда тинч яшаш ва ҳар иккала герман давлатини ҳамда уларнинг гражданларини қизиқтираётган ва уларга тааллуқли бўлган мумкин қадар кўпроқ масалаларни бартараф қилиш йўлини қидиришлари зарур. Ҳар иккала герман давлати ва уларнинг гражданлари ўз тақдирларини ўзлари белгилашга бўлган ҳуқуқларини ўзаро эътироф қилишлари ва бу ҳуқуқни амалга ошириб, иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин ўтган қарийб 20 йил ичида вужудга келган аҳволни эътироф қилишлари ҳамда шу асосда бирбирлари билан яқинлашиш ва ҳамжиҳатлик қилиш йўлини қидиришлари мутлақо зарур, деб ўйлайман.

Бироқ, Германия масаласини тинч ҳал этмоқ ва герман давлатларини тинчликсевар, демократик ва ягона Германия қилиб бирлаштирмоқ учун кимки бирор иш қилишни истаса, у ҳар иккала герман давлати билан нормал муносабатларни вужудга келтириши ва ривожлантира бериши ҳамда бир герман давлатининг манфаатини кўзлаб иккинчи герман давлатини ҳеч қандай камситишга йўл қўймаслиги лозим.

Кескинликни юмшатишга ва ҳамжиҳатликка эришишга қарши қаратилган Бонн сиёсатининг хатарли оқибатларини ҳисобга олиб, немисларнинг тинчлик доктринаси ёрдами билан урушдан кейинги даврни стабиль сулҳ даври билан ва айни вақтда Германия масаласини тинч ҳал қилиш даври билан алмаштириш йўлини тинчликдан ва кескинликни юмшатишдан манфаатдор бўлган ҳамма халқларга ва ҳукуматларга кўрсатиш зарур, деб ўйлайман. Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган реал аҳвол қандай бўлса, уни шундай ҳолида эътироф қилиш бунинг учун аввалгидек асос бўлиб қола беради.

Немисларнинг тинчлик доктринаси мана шу: мавжуд герман чегараларини эътироф қилиш Европада хавфсизликни кўпроқ таъминлайди.

Ҳар иккала герман давлатининг тенг ҳуқуқлилигини эътироф қилиш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурматлаш Германияда ва Европада тинчликни таъминлайди ҳамда Германияни қайта бирлаштиришга ва уни тинчликсевар давлатга айлантиришга йўл очиб беради.

Немисларнинг тинчлик доктринасини амалга ошириш зарур, чунки бу доктрина Европа марказида урушдан кейин «совуқ уруш» билан заҳарланган вазиятни, қолган дунёнинг ҳаммасига ўз таъсирини ўтказаётган вазиятни тинчлик, давлатларнинг суверен ҳуқуқларини ҳурматлаш ва улар ўртасида амалий ҳамкорлик қилиш вазияти билан алмаштириш керак, деган талабга жавоб беради;

чунки бу доктрина жаҳондаги кескинликнинг энг хатарли ўчоқларидан бирини йўқотишга ёрдам беради ва шундай қилиб, халқаро кескинликни юмшатишга самарали ёрдам беради;

чунки бу доктрина Ғарбий Германия Федератив Республикасидаги реваншизм ва атом билан қуролланиш сиёсатини енгишга ёрдам беради ва шу тариқа немис миллатининг манфаатларига, шунингдек ҳамма халқларнинг манфаатларига ҳам жавоб беради;

чунки бу доктрина Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ёрдам беради ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланиш йўлини енгиллаштиради;

чунки бу доктрина Ғарбий Германиядаги реваншчилик сиёсатига ва атом билан қуролланишга хотима берилганидагина, ҳар иккала герман давлати ўртасида ажнабийлар васийлигидан холи бўлган ва тенг ҳуқуқли музокаралар олиб бориш имконияти туғилганидагина, фақат шундагина немис миллатининг бирлигини тиклаш мумкинлигини ҳисобга олади. Ғарбий Германиянинг фақат Ғарбий Германия Федератив Республикасигина немис халқи номидан гапиришга ҳақли деган даъвоси асосида миллат бирлигини тиклашга йўл очилиши мумкин эмас;

чунки бу доктрина жаҳондаги ҳамма давлатларнинг ҳар иккала герман давлати билан муносабатларини нормаллаштиришга олиб боради ва бу билан амалий халқаро муносабатлар ўрнатишга халақит бераётган факторни йўқотади.

Немисларнинг бундай тинчлик доктринаси фақат Германия Демократик Республикаси гражданларининг манфаатларигагина мос бўлиб қолмай, шу билан бирга Ғарбий Германия давлати гражданларининг ва алоҳида территория бўлган Ғарбий Берлин гражданларининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади. Бу доктрина иккинчи жаҳон урушининг бурқсиб турган қолдиқларини йўқ қилиш ишига катта ҳисса қўшиши мумкин. Бу доктрина тинчлик ишига таҳдид солаётган «Хальштейн доктринаси»га Ғарбий Германиянинг тазйиқи остида ҳозирча мойил бўлиб турган турли давлатларнинг халқаро ҳуқуқ принципларини тиклаш фойдасини кўзлаб қарор қабул қилишларига ёрдам бериши мумкин.

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Германия Демократик Республикаси партиясининг ва ҳукуматининг ҳозирги замоннинг баъзи актуал масалаларига доир позициясини сизларга баён қилиб бермоқ учун жуда кўп вақтингизни олдим. Айни вақтда мен Германия Демократик Республикасининг шу проблемаларни ҳал қилиш сари бораётган ва келгусида ҳам борадиган йўлини ҳам айтиб беришга уриндим.

Зўр мамнуният билан шуни қайд қилишим мумкинки, бу дўстлик сафари ҳамда дўстлик шартномаси тўғрисида ва қўшма ахборот ҳақида олиб борилган музокаралар ўзларининг қардошлик алоқаларини бундан буён ҳам ривожлантира беришга ҳамда бир-бирларига ёрдам ва мадад беришга шундай салобатли формада аҳдлашиб олган Германия Демократик Республикаси ҳукумати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматининг ҳамма асосий масалаларга доир қарашларида тўла бирлик борлигини кўрсатди. Бу нарса Германия масаласига ва уни бартараф қилиш имкониятларига нисбатан бизнинг баҳомизга ҳам тўла равишда тааллуқли эканлигига айниқса хурсандман.

Менинг нутқимдаги ва дўстим Никита Сергеевич Хрушчев нутқидаги асосий қоидалар тамомила бир хилда эканлигини кўриб турибсиз. Шундай бирлик давом этаётганлигига сизлар тўла равишда амин бўлдингиз.

КПСС Марказий Комитетининг Президиумига, СССР Олий Советининг Президиумига ҳамда айниқса КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Министрлар Советининг Раиси, дўстимиз Никита Сергеевич Хрушчевга бизни дўстона кутиб олганликлари ва ошкора ўртоқларча музокаралар олиб борганликлари учун ташаккур айтишимга ижозат бергайсиз. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстликка ва ҳамкорликка душманнинг ҳеч қандай ҳийла-найранглари халақит бера олмайди. Бу қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик Германияда ва Европада тинчликни таъминлашнинг ҳозирги вақтда ҳал қилувчи фактори бўлиб турибди ва келгусида ҳам шундай ҳал қилувчи фактор бўлиб қолади, деган қатъий ишонч билан Германия Демократик Республикасига қайтиб борамиз.

Яшасин бузилмас Герман — Совет дўстлиги!

Яшасин қардошларча ҳамкорлик!

Яшасин марксизм-ленинизм!

Яшасин тинчлик!

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 05668. ИНДЕКС — 64543. № Б — 137.